Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **21** декабрь, жума № **51** (2230).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **21** декабря, **2007** год, № **51** (2230).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу - цена договорная

Барчамизга маълумки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ФАХРИЙ УНВОНЛАР УЧУН ТЎЛОВЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтиришга, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келаётган шахсларни муносиб рағбатлантириш ва қўшимча равишда моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб давлатимизнинг фахрий унвонларига сазовор бўлган шахслар – "Халқ" ва "Хизмат кўрсатган арбоб" фахрий унвонлари эгалари учун бериб келинаётган тўловлар энг кам иш ҳақининг 2 баробари, "Хизмат кўрсатган" фахрий унвони соҳиблари учун эса энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдорида оширилиб, ҳар ойлик тўловларнинг миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, фахрий унвонлар эгаларига тўловлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 декабрь

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасида 20 декабрь куни "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг фермер хўжаликларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлашга доир қисмининг ижро этилиши муҳокамасига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида теран таркибий ва тузилмавий ўзгаришлар рўй берди. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини барпо этиш юзасидан кейинги йилларда қабул қилинган чора-тадбирлар қишлоқда мулкдорлар синфи шаклланишида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўпайиши ва қишлоқ аҳолининг даромадлари ортишида мададкор бўлди.

Илгариги ширкатлар ўрнида ташкил топган фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шакли бўлиб қолди. Уларнинг самарали фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида қисқа муддатларда минибанклар, муқобил машина-трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил қилинди, ёнилғи-мойлаш материаллари ҳамда минерал ўғитлар билан таъмин этувчи юзлаб пунктлар барпо этилди, фермерларга кредитлар ажратиш ҳамда уларга лизинг асосида замонавий қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш ишлари муваффақиятли тарзда йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ветеринария тўғрисида"ги, "Наслчилик тўғрисида"ги, "Лизинг тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, фермерлик ривож топишида асос бўлаётган норматив-ҳуқуқий базага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори шу йўналишда янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, камҳосил ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган фермерларни давлат йўли билан самарали қўллаб-қувватлаш учун пухта замин бўлиб қолди.

Узоқ муддат фойдаланиш учун ер олган фермер хўжаликлари давлат органларининг доимий мададини ҳис этиб, ерга ва суғориладиган сувга тежамкорлик билан муносабатда бўлишга, агротехниканинг янги усулларини қўлланишга, янада юқорироқ ҳосил олишга муваффақ бўлмоқдалар. Жорий йилда галла ва пахтадан рекорд даражасида ҳосил олинди. Мамлакатимизда 6 миллион 250 минг тонна бугдой, 3 миллион 600 минг тонналик ортиқ пахта етиштирилди. Давлат томонидан мудом қўллаб-қувватлаб келинаётганлиги, деҳқон ва фермерларда мулкдорлик туйғуси кучайиб бораётганлиги, улардаги меҳнатга ҳалол ва виждонан муносабат, фаол ҳаётий позиция, манфаатдорлик ва масъулият, умумий ишга дахлдорлик туйғуси ана шу ютуқларга эришишда асосий омил бўлди.

Қўмита мажлисида сенаторлар "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Марказий банк ва тармоқ банклари, "Ўзкимёсаноат", "Ўзнефтмаҳсулот", "Ўзқишлоқхўжаликмашсервис" компаниялари, "Ўзагромашсервис" ҳамда ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмалари бўлинмаларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бошқа вазирлик ва идораларининг ҳудудий тузилмаларида ижро этилиши тўғрисидаги ахборотларини тинглаб, фермер хўжаликларини банк хизматлари, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, чорва озуқаси, айниқса кунжара ва шулҳа билан таъминлашда фойдаланилмаган захира ва имкониятлар борлигини таъкидладилар, улардан фойдаланишга оид, шунингдек, минибанклар ишини янада такомиллаштириш, уларни зарур компьютерлар ҳамда алоқа воситалари билан таъминлаш юзасидан таклифлар билдирдилар.

Тадбирда сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, фермер хўжаликлари уюшмаларининг раҳбарлари, йирик фермер хўжаликлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

ххх

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган тадбирлар режаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасида "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро вилоятидаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлинмалари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ижро этилишига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг пенсия таъминотига бўлган ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган бўлиб, Асосий Қонунимизнинг 39-моддасида "ҳар ким қариганда... ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга" эканлиги белгилаб қўйилган. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бизда ҳамиша давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган. 2007 йил "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинганлигининг ўзи ҳам бунга яққол далилдир. Охирлаб бораётган мазкур йилда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кўламларини анчагина кенгайтиришга, шу йўналишда янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишга, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга муваффақ бўлинди.

"Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида айтилганидек, давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди. Иш берувчиларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши мажбурийдир. Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек, бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

Қонуннинг айни ана шу ва бошқа қоидалари "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилиши борасидаги аҳволи Бухоро вилояти мисолида ўрганишда таянч нуқта бўлди.

Мажлис иштирокчилари эътироф этганидек, Бухоро вилоятида мазкур Қонуннинг моддалари ва нормаларини амалга ошириш юзасидан Бухоро вилоятида муайян ижобий тажриба тўпланган. Вилоятдаги фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши назарда тутилган 19 минг 942 та хўжалик юритувчи субъектда 326 минг 706 нафар ходим Халқ банки филиалларига зарур анкеталарни тақдим этган бўлиб, эндиликда уларнинг жамғариб бориладиган ҳисобварақларига ой сайин ажратмалар ўтказиб турилибди. 2007 йилнинг 1 ноябрига бўлган ҳолатга кўра бундай ажратмаларнинг умумий миқдори 5 миллиард сўмдан ошган. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамланувчи маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизлар вақтида ҳисоблаб қўшилмоқда. Биргина 2006 йилнинг ўзида Бухоро вилоятида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига шу асосда қўшилган фоиз ставкалари 190,6 миллион сўмни ташкил этди.

Тадбирда сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг республика ва вилоят миқёсидаги раҳбарлари, фермер хўжаликлари уюшмалари мутасаддилари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА).



Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Эр йигит — юрт қўрғони

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 18 декабрь куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси А.Аҳмедов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Тошкент шаҳри ўзининг юксак иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти билан мамлакатимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Ислом Конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди, деди Ислом Каримов.

Истиқлол йилларида Тошкент шаҳарсозлик маданияти юксак ривожланган, замонавий йўл ва кўприклари, бетакрор иншоотлари, сўлим боғ ва хиёбонлари билан ажралиб турувчи том маънодаги пойтахтга айланди. Тошкент нафақат фан ва маданият маркази, балки йирик саноат шаҳри ҳамдир. Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган миллий маҳсулотнинг 30 фоизга яқини пойтахт ҳиссасига тўғри келади. Шаҳарда бир ярим мингга яқин қўшма корхона ва фирмалар фаолият юритмоқда.

Учрашувда сўзга чиққан "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Муҳаммаджон Зуфаров, Юнусобод туманидаги 70-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Ғаниева, Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори Турсунов ва бошқалар юртимизда ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, миллий урф-одатларимиз ҳамда буюк аждодларимиз меросини тиклаш, давлатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар Ислом Каримов номи билан бевосита боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан комил инсонлар қилиб тарбиялаш каби устувор вазифаларни амалга оширишнинг ишончли кафолати эканини қайд этиб, сайловчиларни 23 декабрь куни бўладиган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

В. ЛУҚМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



НИЯТ ЭЗГУ – КЎНГИЛ НУРАФШОН

Диний қадриятларимизни тиклаш, ислом дунёсида ўзига хос ўрин тутадиган буюк бобокалонларимизни хотирлаш, уларнинг пок номлари билан боғлиқ муқаддас қадамжоларимизни тиклаш, обод қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни тарихий бир ҳужжат бошлаб берди. Бу давлатимиз раҳбарининг 1989 йилда имзолаган – Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам қилиш ҳақидаги Фармон эди. Ўша давр нуқтаи назаридан олиб қараганда, бу том маънодаги жасорат эканлигини теран англаймиз.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ШАКЛЛАНИШИГА ҚАРАТИЛГАН АНЪАНАЛАР

Замонавий, профессионал асосдаги миллий армияни шакллантирар экан миз, табиийки, қўшинлардаги жанговар тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш, Қуролли Кучлар турлари, хиллари ўртасидаги ўзаро тезкор уйғунликни, шахсий таркибнинг жанговар ўқув тайёргарликларини сифатли ўзлаштиришларини, соғлом рақобатни таъминлашни олдимизга устувор мақсад қилиб белгиладик. Посбонларимизга замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳани ишониб топширдик.

(Давоми 8-бетда).




Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

БЕРЕЧЬ НАШУ НЕЗАВИСИМОСТЬ И ЕЕ НЕПРЕХОДЯЩИЕ ЦЕННОСТИ

В докладе «Наша главная цель – неуклонно следовать курсом построения свободного общества и благополучной жизни», посвященном 15-летию Конституции Республики Узбекистан, Президент Ислам Каримов, анализируя наши достижения, подчеркнул:

«С целью достижения высоких рубежей нами была поднята на

(Продолжение на 8-й стр.).



2 САФАРБАРЛИК ЧАҚИРУВИ РЕЗЕРВИДАГИ ХИЗМАТ

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ЙЎЛИДА



5 ҚАДРИЯТ

МИЛЛИЙ КИЙИМЛАР– ИНСОН КЎРКИ



10 ГЕРОИ IV ВСЕМИРНЫХ ВОЕННЫХ ИГР

РАВШАНУ РУКОПЛЕСКАЛ ХАЙДАРАБАД



12 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

«САҲНАГА САДОҚАТ ЗАРУР»

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ЙЎЛИДА

2002 йил 12 декабрда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» янги қонун қабул қилинди. Қонунда сафарбарлик чақируви резервидаги (СЧР) хизмат турини жорий этиш ҳақида ҳам моддалар белгиланди. Ҳаётга татбиқ этилганига қисқа вақт бўлган бўлсада, бу янги хизмат тури ўзининг имкониятлари, афзалликлари билан барча юртдошларимизга бирдай манзур бўлиб улгурди.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат, изчил ислоҳотлар бугун ўзининг мевасини бермоқда. Миллий армиямиз мудофаа қудратини юксалтириш, уни дунёнинг ривожланган давлатлари армияси даражасига олиб чиқиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси бугунги кунда яққол кўзга ташланиб қолди. Сафларида юзлаб ёшларимиз йигитлик бурчини ўтаган ва ўтаётган сафарбарлик чақируви резерви хизмати амалда ўзини ҳар томонлама оқлаяпти. Хизматнинг бу тури кўпчилик ёшларимизга катта имкониятлар бергани қайта-қайта такрорланмоқда.

Шу ўринда СЧР хизматини ўтаётган ўғлонлар учун яратилган шароитлар ва имкониятлар ҳақида офицер Ўктам Исаев хизмат қилаётган сафарбарлик чақируви резерви батальони ойлик йиғин иштирокчилари мисолида тўхталиб ўтсак.

Бу ерда яратилган шарт-шароитлар ҳар қандай кишини қувонтириши турган гап. Кенг ва ёруғ ётоқхона, дам олиш ҳамда маиший хизмат кўрсатиш, машғулотлар ўтказиш хонаси, кутубхона, спорт шаҳарчаси ва тренажёр зали барча замонавий жиҳозлар, зарур воситалар билан таъминланган.

Йиғин иштирокчиларининг ҳарбий соҳадан пухта билим олишлари учун машғулотлар малакали ва кўп йиллик тажрибага эга офицер ва сержантлар томонидан юксак савияда олиб борилмоқда. Бунинг учун машғулот хоналари етарли моддий-ўқув базаси билан таъминланган. Компьютерлаштирилган тирда отиш тайёргарлиги бўйича сержант Ҳусан Шерматов ўғлонларга нишонга олиш, жанговар қурол-аслаҳадан фойдаланиш сир-асрорларини ўргатмоқда. Замонавий спорт залларида йигитлар жисмонан чиниқиб, тобланишмоқда.

– Давлат ва жамоат ташкилотлари билан узвий алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, – дейди офицер Воҳид Ражабов, – ҳамкорликда турли тадбирлар, учрашув ва беллашувлар, шаҳримизнинг обод ва гўзал масканларига, зиёратгоҳ гўшаларига, музейларга саёҳатлар уюштирилмоқда. Буларнинг барчаси йиғин иштирокчиларининг маънавияти бойишида катта ўрин тутмоқда.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик хонасида офицер Акрам Мамадалиев йигитларга юртимизда ва жаҳон миқёсида рўй бераётган янгиликлар, воқеалар ва ўзгаришлар ҳақида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида маълумотлар бермоқда.

– Йиғин иштирокчилари билимга чанқоқ, ҳарбий соҳага қизиқиш ва ҳаваслари кучли, – дейди офицер Бобур Раимқулов. – Шу боис, машғулотларимиз доим савол-жавоб, баҳс-мунозарага бой тарзда ўтади.

– Мен, – дейди йиғин иштирокчиси Фахриддин Азимов, – Бахмал туманидан чақирилганман. Йиғинга келгунимга қадар хизмат ҳақида бошқача фикрда эдим. Лекин бу ердаги шарт-шароитлар, бизга қаратилаётган эътибордан ҳарбийликка ҳавасим ортди. Келажакда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ўқишга кириб, юртимиз осойишталиги йўлида хизмат қилишни кўнглимга тугдим.

Йиғин иштирокчиси Ҳаким Ҳасанов, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети бакалаври, Жиззах шаҳридан:

– Бу ерда олаётган билим ва кўникмаларимиз келажак ҳаётимизда жуда асқотади. Шу боис, машғулотларга эътибор бериб, офицер ва сержантлардан ҳарбий соҳа сир-асрорларини пухта эгаллаяпмиз.

Йиғин иштирокчиси Жасур Ҳамроқулов, Жиззах техника институти бакалаври:

– Жанговар қурол-яроғлар, ҳарбий техника ҳақида етарли билимларга эга бўляпмиз. Ўзим Жиззах шаҳар электр тармоқларида электр-чилангар вазифасида ишлайман. Ҳарбий либосни кийиб, шундай шарафли касбга меҳрим тушди, ҳавасим ошди. Шу туфайли ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, офицер бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Шунингдек, йиғин иштирокчилари Ғолиб Бобоқулов, Бекзод Ихтиёров, Сирожиддин Холиқовлар ҳам сафдошларининг гапларига қўшилиб, ўз фикрларини билдиришди.

Кўриниб турибдики, бу ерда СЧР хизматини ўтаётган ўғлонлар ўз хизматларидан жуда мамнун. Бугун ҳукуматимиз томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор келажакда ўз мевасини бериши шубҳасиз. Ҳаёт мактаби деб аталмиш армияда ҳар томонлама чиниқиб, тобланаётган йигитларимиз мамлакатимиз ривожига улкан ҳисса қўшишларига ишончимиз комил.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



Курсом реформ

НОВЫЕ ЗНАНИЯ ПОМОГУТ В СЛУЖБЕ

На днях на факультете повышения квалификации (ФПК) ТВОКУ состоялся очередной выпуск офицеров, прошедших трехмесячный курс обучения. Вооружившись новыми знаниями, офицеры возвращаются в свои воинские коллективы, чтобы в ходе службы достойно продолжать дело реформирования Вооруженных Сил.



К выпускникам ФПК обратился со словами приветствия и поздравления заместитель министра обороны по воспитательной работе полковник Т.Хамракулов. Выступающий подчеркнул, что по каждому военному училищу были приняты постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан, согласно которым разработана программа мер по укреплению их учебно-материальной базы, повышению качества обучения. Проделана большая работа, нацеленная на то, чтобы будущие офицеры обладали высоким интеллектуальным потенциалом, были лидерами воинских коллективов. Создана система непрерывного повышения профессионального мастерства офицеров, когда, спустя определенный промежуток времени, они регулярно повышают квалификацию по своим направлениям. Однако и в дальнейшем необходимо совершенствование программы обучения на ФПК военных вузов, ведь к офицерским кадрам сегодня предъявлены самые высокие требования. Необходимо повышенное внимание офицерского состава к военнослужащим по контракту, призванным стать первыми помощниками офицеров в обучении и воспитании личного состава. Выступающий также призвал выпускников ФПК по прибытии к местам службы активно использовать в повседневной служебной деятельности, полученные здесь знания.

Некоторые из выпускников ФПК были в ТВОКУ еще курсантами, поэтому они наверняка обратили внимание на произошедшие здесь разительные изменения, подчеркнул в своем выступлении начальник училища полковник М.Байбусов. Все эти добрые перемены – свидетельство постоянной и неустанной заботы руководства страны к делу подготовки и обучения военных кадров. Прохождение обучения на ФПК становится важной ступенью служебного роста офицера, основанием для дальнейшего продвижения его, а в последующем и направления на учебу в Академию Вооруженных Сил. Важно именно сейчас во время обучения на курсах при ФПК каждому офицеру четко уяснить свои сильные и слабые стороны, чтобы в дальнейшем работать в этом направлении.

Известную мудрость о том, что плох тот солдат, который не мечтает стать генералом, напомнил выпускникам ФПК преподаватель кафедры тактики ТВОКУ, генерал-майор в отставке А. Лысухин. Ветеран пожелал офицерам успешно применять в службе обретенные в период учебы на ФПК новые знания, вспомнил о том, что за 36 лет службы в армии ему самому пришлось не раз повышать квалификацию на подобных курсах, и подчеркнул, что офицеру необходимо постоянно работать над собой, над повышением профессионального уровня.

Был зачитан приказ начальника ТВОКУ о вручении сертификатов и нагрудных знаков выпускникам ФПК, которым в торжественной обстановке они и были вручены. Кроме того, приказом начальника училища за отличную учебу и высокую воинскую дисциплину, активное участие в общественной работе на факультете были награждены Почетными грамотами такие офицеры, как майоры Абдушариф Машарипов и Азим Юнусов, капитаны Фаёз Нажмиддинов и Даврон Туляганов.

Со словами признательности к своим наставникам выступил один из выпускников ФПК капитан Фаёз Нажмиддинов, который отметил, что за три месяца учебы офицеры здесь не только повысили свой теоретический уровень, но и решили многие проблемы практического характера, обращаясь за советом к таким опытным офицерам, как Алишер Ваисов, Холботир Уринов, Марат Джураев, щедро делившимися с ними своим богатым служебным и жизненным опытом.

– На нашем факультете проходят обучение заместители командиров по воспитательной работе, офицеры кадровых органов и местных органов военного управления, – говорит капитан Самандар Кучкаров. – Поэтому в ходе живого общения нам удалось максимально разносторонне повысить свой уровень знаний, за что огромное спасибо нашим наставникам!

– Побывать в столице в преддверии такого важнейшего в истории страны события, как всенародные выборы Президента Республики Узбекистан – это большая удача, – добавляет капитан Андроник Аракелян. – Возможность поработать в богатой книжным фондом библиотеке ТВОКУ, слушать лекции на различные темы сильных педагогов Ташкента, тоже дорогого стоит. Считаю, что провел эти три месяца с большой пользой для себя, постараюсь, как можно полнее использовать приобретенный багаж в своей службе.

Отрадно, что выпускники ФПК так настроены. Значит, в эти дни в войска возвращается группа активных продолжателей дела реформирования наших Вооруженных Сил, готовых со временем стать настоящей элитой офицерского корпуса армии Узбекистана.

Майор Аблай КАМАЛОВ.
Фото **подполковника Валерия КОРНИЕНКО.**

MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI ЎЗБЕКИСТОН

23 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

ЁШЛАР ЯНАДА ФАОЛ

Ўтаётган йилнинг энг муҳим сиёсий воқелиги бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини мамлакатимизнинг барча фуқаролари каби ёшлар ҳам қизғинлик билан қаршиламоқдалар. Мазкур жараёндан албатта посбонлар ҳам четда эмас. Бир сўз билан айтганда, ёшларимиз янада фаоллашган. Қуйида сайловда илк бор қатнашиб, овоз бераётган юрт ҳимоячиларининг мулоҳазалари билан танишасиз.



Оддий аскар Ҳаким МИРЗАЕВ:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига биз ҳам қизғин тайёргарлик кўрдик. Сайлов участкасининг керакли адабиётлар билан жиҳозланганлиги, сайловга оид тадбирларнинг ташкил этилганлиги мазкур сиёсий жараён ҳақида бизнинг дунёқарашларимизни янада кенгайтиришга ҳисса қўшди. Биз, юрт ҳимоячилари ҳам демократия тамойилларига асосланган сайловда Ўзбекистоннинг буюк эртаси, буюк келажаги учун овоз берамиз.



Оддий аскар Отабек МАВЛОНОВ:

– Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганимга эндигина икки ойдан ошяпти. Биз хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараёнга пухта тайёргарлик кўрилди. Биз посбонларга, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ қонун ҳужжатларидан чуқур тушунтирув-тарғибот ишлари олиб борилди. Ўйлайманки, бугун ҳар бир посбон сайловда юрт келажаги, фаровон ва тинч ҳаёти учун овоз беради.

ТАРАҚҚИЁТ ВА БАРҚАРОРЛИК АСОСИ

Ўзбекистон деб аталмиш умумий уйимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик истиқлол йилларида қўлга киритган барча ютуқ ва марраларимиз асоси, энг катта бойлигимиздир. Эркинлик, тинчлик, дўстлик ва миллатлараро тотувлик каби тушунчалар бугунги кунда ҳар бир ватандошимиз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимиз Президенти ҳақли равишда уларнинг ишончли кафолати ҳисобланади.

Бахтли келажагимизга, кенг кўламли ўзгаришлар даврида асос солинаётган адолатли демократик жамиятимизнинг равнақи ва тараққиётига бўлган ишончимиз айнан Юртбошимиз номи ва фаолияти билан боғлиқ. Шу маънода, 2007 йилнинг 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бугун мамлакатимиз ҳаётидаги барчамизни ҳаяжонга соладиган энг муҳим сиёсий воқеага айланмоқда.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида мамлакатимиз фуқароларининг кайфияти ва мазкур жараёндан қанчалик хабардор эканлигини ўрганмоқда. Марказ томонидан фуқароларнинг сайловга муносабатини аниқлаш мақсадида октябрь, ноябрда ва декабрь бошида ижтимоий сўровлар ўтказилди. Сўралганларнинг аксарияти – 97,3 фоизи – мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу муҳим сиёсий воқеадан яхши хабардор эканлигини билдирди. Шуниси диққатга сазоворки, бундай ижобий кўрсаткич истисносиз мамлакатимизнинг барча ҳудудлари ва аҳоли қатламларига тегишлидир.

Ижтимоий тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, оммавий ахборот воситалари 2007 йил 23 декабрда бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясининг бориши ҳақида хабар берадиган асосий ахборот манбаи саналади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барча халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳамда ривожланган мамлакатларнинг ижобий тажрибаси ҳисобга олинган замонавий сайлов тизими яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун эса мамлакат Президенти сайловини ўтказишда асосий ҳуқуқий база ҳисобланади. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ нафақат республикамизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, балки бевосита фуқаролар ҳам сайловчилар ташаббускор гуруҳини ташкил этиш орқали ўз номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ижтимоий тадқиқотлар натижаларига кўра, бўлиб ўтажак мамлакат Президенти сайловида барча ҳудудларда яшайдиган фуқароларимизнинг фаол иштирок этиши кутилмоқда. Маълумотлар таҳлили шундан далолат берадики, шу йил ноябрь ойининг охири ва декабрь бошида ўтказилган энг сўнгги сўровда фуқароларимизнинг кўпчилиги, яъни 90 фоиздан ортиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиш истагини билдирган.

Умуман, жамоатчилик фикри фуқароларимизда мамлакатнинг эртанги куни учун масъулият ҳисси ортиб бораётганидан далолат берди. Бу юртдошларимизнинг давлат ҳокимиятининг олий органлари асосини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшишга интилаётгани, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демократик қадриятлар янада мустаҳкамланаётгани, фуқароларимизнинг фаоллиги ва сиёсий-ижтимоий тафаккури юксалиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида ЎзА шарҳловчиси Лилия СТРУННИКОВА тайёрлади.

ЖАНГОВАР ЮТУҚЛАРИМИЗ – ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ 16 ЙИЛЛИГИГА

«Энг илғор мутахассис»

СИНОВ МАЙДОНИДА – АСЛ ПРОФЕССИОНАЛЛАР

Аввал хабар берганимиздек Қуролли Кучлар бўйича ўтказилган «Энг илғор мутахассис» танловининг республика босқичи ўз якунига етди.

Маълумки, истиқлол туфайли ташкил топган миллий армиямиз ўтган қисқа давр мобайнида ўз нуфузи ва ўрнига эга бўлди. Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ фуқароларимизнинг конституциявий бурчигина эмас, шараф ишига айланди. Халқ ва армия якдиллиги янада кучайди. Ҳар бир фуқаро қалбида ўз озод ва обод Ватанидан, халқимиз тинч, фаровон ҳаётидан, яратувчанлик меҳнатидан фахрланиш ҳисси қарор топди.

Давлатимиз раҳбари юрт ҳимоячилари ҳақида тўхталар экан, «Армиямизнинг минг-минглаб йигитлар учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактаби бўлиб қолгани қувонарлидир», дея таъкидлайди. Дарҳақиқат шундай, чинакам мардлик, фидойилик йўлини танлаган посбонлар кун сайин янгиланаётган миллий армиямизни янада шакллантириш, муқаддас Ватанимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилиш, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жараёнини тобора жадаллаштириш учун бор куч ва билимларини, имкониятларини ишга солиб, шу Ватан меҳри билан ёниб яшамоқдалар.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, бугун Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб, замонавий армиянинг посбони нафақат жанговар билимларни пухта эгаллаган бўлмоғи, балки интеллектуал салоҳияти ҳам юксак бўлиши, ҳар жойда, ҳар қандай вазиятда етакчилик қобилиятини намоён эта олиши лозимлиги талаб этилмоқда. Бу жараёнда эса, тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш, билим ва малакани ошириб бориш ҳамда ўқиб-ўрганиш муҳим ўрин тутади. Шунингдек, посбонларнинг ҳар томонлама етук, ўз касби, мутахассислигининг моҳир устаси, бурчига ва шарафли номига муносиб бўлишида 2004 йилнинг февралида Президентимизнинг Фармойишига кўра Қуролли Кучлар бўйича ташкил этилган «Энг илғор мутахассис» танловининг аҳамияти чексиз.

Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг ўн беш йиллигида Юртбошимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ҳам мазкур танлов хусусида қуйидаги фикрлар билдирилган: «Бу ишларнинг барчасидан кўзланган бош мақсад – юксак жанговар тайёргарлик ва профессионализмни, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича қўшинларда ўзаро мусобақа руҳини кучайтириш, сержант ва офицерларда етакчилик хусусиятларини ривожлантириш, ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдан иборатдир.

Шу боис ана шундай танловларни бутун армия миқёсида ўтказиш тажрибасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Танловда қатнашадиган ҳарбий хизматчиларни муносиб тақдирлаш тизимини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш, яъни танлов ғолибларига муддатидан аввал навбатдаги ҳарбий унвонлар бериш, уларни моддий рағбатлантириш миқдорини ошириш, ҳарбий ўқув юртларига ўқишга киришда улар учун қўшимча имтиёзлар беришни кўзда тутиш даркор».

Дарҳақиқат, ушбу танлов асл профессионалларни, моҳир ва маҳоратли ҳарбий мутахассисларни кашф этмоқда, уларнинг касбий ва интеллектуал билимлари янада ўсишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Танлов иштирокчилари ва шартлари ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, «Энг илғор сержант» номинациясида – шартнома асосида Қуролли Кучлар сафида бир йилдан ортиқ хизмат қилаётган ҳамда алоҳида тайёргарлик машғулотларида фаол, аъло ва яхши натижаларни қўлга киритиб келаётган сержантлар қатнашишади. Ғолибликни қўлга киритган кичик командирлар олий ҳарбий ўқув юртларига ва сержантлар тайёрлаш мактабларига танловсиз қабул қилинади ҳамда навбатдаги янги лавозимларга қўйилади. Шунингдек, мутахассислиги бўйича юқори тоифага эга бўлади. Улар танловда 3 минг метрга югуриш, автоматдан нишонга отиш, граната улоқтириш, тест синови каби шартлар бўйича куч синашди.

«Энг илғор гуруҳ командири» номинациясига ҳарбий қисм ва бўлинмаларда бир йилдан зиёд муддат мобайнида гуруҳ командири вазифасида хизмат қилаётган ҳамда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида яхши кўрсаткичларга эришган офицерлар ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар иштирок этади.

«Энг илғор взвод командири» номинациясида ҳам взвод командири вазифасида хизмат қилаётган ва барча машғулотларда энг юқори натижаларни қайд этиб келаётган офицерлар қатнашади. Гуруҳ ва взвод командирлари 3 минг метрга қурол билан югуриш, автоматдан нишонга отиш, тўсиқлардан ошиб ўтиш, тест ва ҳарбий топография, ҳамда қўл остидагилар билан ишлаш каби йўналишлар бўйича беллашдилар.

«Энг илғор батальон командири» номинациясида эса, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда батальон командири ва уларга тенг вазифада хизмат қилиб келаётган ҳамда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида яхши кўрсаткичларга эга бўлган офицерлар иштирок этишди. Ғолиблар Қуролли Кучлар Академиясига танловсиз қабул қилинадилар. Иштирокчилар 5 минг метрга югуриш, пистолетдан нишонга отиш, турникда машқ бажариш, ҳарбий топография, шахсий таркиб билан ишлаш ва жанговар вазифани бажариш ҳамда тест синови бўйича баҳс олиб боришди.

Танловнинг жорий йилдаги республика босқичи ҳақида сўз юритадиган бўлсак, барча округлардан биринчи ва иккинчи босқичларда ғолибликни қўлга киритган офицер ва сержантлар фаол иштирок этишиб, бор куч ва имкониятларини ишга солиб, ўз маҳорат ва билимларини намоён қилишиб, илғорлик сари ҳаракат қилишди.

Бу ерда танлов иштирокчилари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинди.

– Мана, бир неча йилдан буён ўтказилиб келинаётган «Энг илғор мутахассис» танловининг республика босқичида бизнинг округ ташкилотчи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда, – дейди офицер Юлдошали Раҳмонов. – Танловнинг юқори савияда ўтиши учун иштирокчиларнинг яшаш шароитлари, овқатланиш, дам олишларини яхши ташкиллаштирганмиз. Ётоқхоналар, ўқув хоналари замонавий тарзда жиҳозланган. Кечаю кундуз иссиқ ва совуқ сувлар оқиб турибди, ётоқхоналар иссиқлик ускуналари билан тўлиқ таъминланган. Умуман олганда, танлов иштирокчилари учун барча имкониятлар яратилган.

«Энг илғор сержант» номинацияси иштирокчилари отиш майдончасида 1-ўқув назорат машқини бажаришмоқда. Нишон 200 метр узоқликдаги масофага ўрнатилган. Кичик командирлар ётган ҳолда автоматдан нишонни мўлжалга олишмоқда. Бунда барча иштирокчиларнинг профессионаллиги яққол кўзга ташланиб турибди. Улар бир-бирларидан қолишмаган ҳолда нишонларга аниқ отишмоқда. Энг юқори кўрсаткични Шимоли-ғарбий ҳарбий округ вакили кичик сержант Алишер Мирзакаримов қайд этди.

– Ушбу танловнинг республика босқичида иштирок этаётганимнинг ўзи мен учун катта шарафдир, – дейди кичик командир. – Мана биринчи шартдан муваффақиятли ўтдим. Ҳали олдинда яна бир қатор босқичлар бор. Албатта, маҳоратим ва билимларим панд бермайди деган умиддаман. Мақсадим ҳам бор имкониятимни ишга солиб, ўз касбий маҳоратимни намойиш этиш ва ғолибликни қўлга киритишдир.

Шунингдек, Чегара қўшинларидан кичик сержант А.Примов ва Қоровул қўшинларидан кичик сержант А.Аҳмеджоновлар ҳам отиш машқини юқори натижаларда якунлашди.

Бу пайтда взвод командирлари 3 минг метрга қурол-аслаҳа билан югуриш шартида куч синашмоқда эди.

– Мазкур шартнинг натижаларидан кўриниб турибдики, – дейди Мудофаа вазирлиги масъул офицери Мансур Мадаминов, – посбонлар катта тайёргарлик кўришган. Югуриш йўлагида турли баландликлар ҳам мавжуд. Бу ҳам ўз навбатида посбондан юқори жисмоний тайёргарликни талаб қилади. Бироқ натижалар биз кутганимиздан ҳам зиёд.

Бу шартда Марказий ҳарбий округи офицерлари – А.Ҳамидов, Б.Қосимов, Т.Ҳамроевлар биринчилардан бўлиб маррага етиб келишди ва жисмоний тайёргарлик бўйича қай даражада етук эканликларини исботлашди.

Яна отиш майдончасига қайтамиз. Бу ерда батальон командирлари пистолетдан ўқ отиш машқини бажаришмоқда. Офицерлар тик турган ҳолда, пистолетни бир қўлда ушлаб нишонларни мўлжалга олишмоқда.

– Пистолетдан нишонга отиш анчагина маҳорат ва тажриба талаб қилади, посбондан, – дейди танлов комиссияси аъзоси офицер Алишер Саидов. – Диққатни бир жойга жамлаб, қўл ҳаракати ва нафас олишни уйғунлаштириш лозим. Ушбу офицерлар бир неча йиллик тажрибага эга, шунинг учун улар бу шартдан муваффақиятли ўтишмоқда.

Пистолетдан отиш шартида офицерлар – Б.Исмоилов, У.Тошев, К.Раҳимовлар ўз маҳоратларини кўрсатиб, юқори балл йиғишга муяссар бўлишди.

Танловнинг иккинчи куни. Гуруҳ командирлари тўсиқлардан ошиб ўтиш машқини бажаришмоқда. Бу шартда посбонларнинг чаққонлиги, эпчиллиги ва жисмоний тайёргарлиги синовдан ўтказилади. 100 метрлик масофага югуриб борилади ва қайтишда бир неча тўсиқлардан ошиб ўтилади. Бу ҳол бир вақтнинг ўзида икки марта такрорланади. Албатта, бунинг учун посбон ўта иродали, соғлом бўлиши ҳам лозим. Иштирокчиларнинг ҳаракатини кузатар эканмиз, уларнинг ўзига ишонч, шижоат билан олдинга интилаётганларига гувоҳ бўлдик.

Ушбу шартда офицерлар – Ш.Жалилов, А.Ҳамдамов, Д.Абдужалиловлар энг юқори натижани қай этишиб, эпчиллигу чаққонлик бобида қанчалик маҳоратга эга эканликларини кўрсатишди.

– Танловда биринчи бор иштирок этишим, – дейди офицер Ш.Жалилов. – Биринчи ва иккинчи босқичлардан муваффақиятли ўтиб, республика босқичига етиб келдим. Бунинг ўзи бўлгани йўқ, албатта. Тинимсиз меҳнат, ўзидан катта офицерлардан олган билим ва тажрибаларим асқотмоқда. Мана тўсиқлардан ошиб ўтиш шартида энг юқори кўрсаткичга эришдим. Бу муваффақият мени олдиндаги бошқа шартлардан ҳам яхши натижаларга эришишимда янада руҳлантирди.

Югуриш майдончаси. Бу ерда «Энг илғор сержант» номинацияси иштирокчилари 3 минг метрга югуришмоқда.

Ушбу шартда кичик сержантлар – Э.Мадаминов, Б.Гаффоров, Ш.Дадажоновлар маррага биринчилардан бўлиб етиб келишди ва илғорлар сафидан жой олишди.

– Мен десантчилар қисмида хизмат қиламан, – дейди кичик сержант Э.Мадаминов. – Танловда қатнашиш учун жиддий тайёргарлик кўрдим, ўз устимда тинимсиз ишладим, тажрибали офицерлардан зарур билимларни эгалладим. Шу боис икки босқичдан муваффақиятли ўтиб, учинчи босқичга етиб келдим. Армиянинг таянчи ва суянчи бўлган биз кичик командирларга катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг билан бирга кучли билим ва маҳорат талаб этилмоқда. Бунга муносиб бўлмоқ учун кўпроқ ўқиш ва изланиш керак. Шундагина биз билдирилаётган юксак ишончни оқлай оламиз. 3000 минг метр масофага югуриш шартида энг юқори натижани қайд этдим. Отиш машқида ҳам яхши кўрсаткичга эришган эдим. Насиб этса, бошқа босқичлардан ҳам муваффақиятли ўтиб, ғолиблик сари ҳаракат қиламан.

Отиш майдончаси. Бу ерда взвод командирлари автоматдан отиш машқини бажаришмоқда. Нишон 200 метрлик масофага жойлашган. Иштирокчилар турган, ётган ва ўтирган ҳолда отишади. Нишонни мўлжалга олиш ётган ҳолда 15 секунд, ўтирганда 20 секунд ва тик туриб отганда 25 секунддан иборат.

Ушбу шартда офицерлар – О.Норов, П.Ибодов, Р.Турсуновлар нишонга отиш бўйича қанчалик маҳорат ва тажрибага эга эканликларини намоён қилишди ҳамда юқори натижаларни қайд этишди.

Яна югуриш майдончасига қайтамиз. Бу ерда батальон командирлари 5 минг метрга югуриш шартини бажаришмоқда. Югуриш паст-баландликлардан иборат майдонда амалга оширилмоқда.

Бу шартда офицерлар – М.Нажмиддинов, У.Тошев, А.Жабборовлар маррага биринчилар қаторида етиб келишиб, жисмоний тайёргарликларининг қанчалик юқори даражада эканлигини кўрсатишди.

– Мен ушбу танловда бир неча бор қатнашиб, яхши натижаларга эришиб келаяпман, – дейди офицер М.Нажмиддинов. – Бу каби танловларнинг ўтказилиши биз посбонларнинг касбий маҳоратимиз ва интеллектуал салоҳиятимиз ошишида муҳим роль ўйнамоқда. Нафақат танловда қатнашиш, балки бу ерда кўп йиллик тажрибага эга бўлган ҳарбий хизматчилардан яна нималарнидир ўрганишимиз мумкин. Шартлардан муваффақиятли ўтиб, илғорликни эгаллашга бор куч ва ғайратимни аямасдан ҳаракат қилаяпман.

Шунингдек, танлов иштирокчилари ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, тактик, жанговар тайёргарлик, Умумҳарбий низомлар бўйича ҳам тест синовларини топшириб, ўзларининг билимдонликларини, ҳарбий топография тайёргарлиги бўйича оқилона қарор қабул қилишдаги маҳоратларини кўрсатишди.

Танловнинг якуний натижаларига кўра, «Энг илғор сержант», «Энг илғор гуруҳ командири», «Энг илғор взвод командири», «Энг илғор батальон командири» номинациялари ғолиблари аниқланди. Ғолиблар ҳақида газетанинг кейинги сонида батафсил маълумот берилади.

Биламизки ҳарбийлик касбига меҳр қўйган, Ватанни ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилган, тинчлигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигининг посбонлари бўлмиш ҳарбий хизматчилардан матонат ва фидойилик, мардлик ва садоқат, кучли ирода ва шижоат талаб этилади. Бугунги танлов ғолибларининг қалбида эса бу туйғулар мужассам. Президентимиз асос солган мазкур танлов мана шундай мард ўғлонларни кашф қилмоқда. Уларнинг тажриба ва билимларини бойитмоқда.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



Конкурс по стрельбе и управлению огнем артиллерии

ПОДВЕДЕНЫ ИТОГИ, НАЗВАНЫ ПОБЕДИТЕЛИ







На днях соответствующим приказом начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил подведены итоги конкурса по стрельбе и управлению огнем артиллерии в 2007 году, проведенного совместно управлением артиллерии ОШ ВС и редакцией газеты «Ватанпарвар».

Традиционно ставились такие цели, как повышение профессиональных знаний офицеров-артиллеристов в изучении и практическом применении положений Правил стрельбы и управления огнем артиллерии и Курса подготовки артиллерии, стимулирование профессионального роста и заинтересованности офицеров в совершенствовании специальной подготовки, развитии у них способности к самостоятельной работе.

Организаторами конкурса сделано сравнение с предыдущим годом и с удовлетворением отмечается ряд положительных изменений. В частности, упомянуты такие моменты, как возросшая состязательность между офицерами-артиллеристами всех военных округов, более углубленные знания конкурсантов в вопросах стрельбы и управления огнем артиллерии. Также повысились знания офицеров-артиллеристов в выполнении задач по пристрелке целей различными способами в горах, в условиях ограниченной видимости. Вместе с тем радует увеличение числа участников конкурса на 46 процентов, искоренение шаблонности ответов.

Наиболее активно участвовали в конкурсе представители частей, где служат офицеры Нурмат Бозоров, Шароф Бахронов и Шухрат Наримов. За активное участие в проведении конкурса награждены дипломами и Памятными знаками начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил офицеры Н. Бозоров и Ш.Бахромов, а также представитель управления артиллерии офицер Алексей Евсеев.

Итак, победителями конкурса в 2007 году стали: капитан Атабек Холбаев (ЦВО) – первое место, подполковник Шавкат Мамажонов (ВВО) – второе место и капитан Игорь Верещагин (ТВО) – третье место. Все они награждены дипломами и Памятными знаками начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил. Поздравляем победителей конкурса с этим успехом!

Соб инф.

УСЛОВИЯ ПРОВЕДЕНИЯ КОНКУРСА

по стрельбе и управлению огнем артиллерии на 2008 год

В соответствии с приказом начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан в 2008 году управлением артиллерии ОШ ВС РУ совместно с редакцией газеты «Ватанпарвар» проводится конкурс по стрельбе и управлению огнем среди офицеров-артиллеристов.

Цель конкурса – повысить активность офицеров-артиллеристов в изучении и практическом применении положений Правил стрельбы и управлении огнем артиллерии и Курса подготовки артиллерии.

Участникам конкурса будут предложены восемь серий задач, которые будут периодически публиковаться в газете «Ватанпарвар».

Конкурсные задачи включают вопросы по теории вероятностей, стрельбе и управлению огнем, артиллерийской разведке, топогеодезической привязке, технической, баллистической и метеорологической подготовкам.

При решении задач участники конкурса должны руководствоваться Правилами стрельбы и управления огнем артиллерии, Курсом подготовки артиллерии, учебными пособиями и методиками, разработанными управлением артиллерии, а также таблицами стрельбы на соответствующие артиллерийские системы.

Решения конкурсных задач присылаются в индивидуальном порядке в редакцию газеты не позднее, чем за 30 суток после опубликования серии. Письма, пришедшие после выходов ответов серии в газете, с одинаковым почерком, набранные на компьютере, рассматриваться не будут. За полноту, обоснованность и аккуратность оформления ответов начисляются поощрительные баллы.

Победителями конкурса станут офицеры, принявшие участие в решении всех серий задач и набравшие наибольшее количество баллов.

Письма с решениями направлять по адресу: 700031, г. Ташкент, улица Мирабадская (бывшая Саперная), 21, редакция газеты «Ватанпарвар», «Конкурс по стрельбе и управлению огнем» или служебной почтой в адрес управления артиллерии ОШ ВС. В письме обязательно указать № конкурса, войсковую часть, должность, звание, фамилию, имя, отчество, подпись, обратный адрес.

ЖЮРИ КОНКУРСА.

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ САМАРАСИ

Нуқтаи назар

ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА ЧУҚУР ИСЛОҲОТЛАР ЎЗАНИДА

Конституциямиз куни байрамидан кейинги биринчи иш куни. Эрта тонгдан метро вагони одамлар билан тўла ва улар хуш кайфиятда ўзаро суҳбатлашиб кетмоқдалар. Бир гуруҳ ёш йигитлар Президент Ислом Каримовнинг маърузаси чоп этилган газетани қўлдан-қўлга узатиб, нималар ҳақидадир қизғин баҳслашмоқдалар.

– У ердан нима қидираяпсизлар? – чеккароқдан бир қизнинг овози эшитилди.

– Мана у, асосий йўналиш маърузанинг номида ифодаланган: «Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир».

Метро вагонида қизғин ҳаёт нафаси уфуриб турибди – нуқтаи назарларнинг очиқлиги, ўзаро муҳокама ва мунозараларнинг тўғрилиги ва эркинлиги бундан далолат бермоқда.

Мана шу кичик манзаранинг ўзидаёқ чуқур сиёсий маъно бор: ҳаётимиздаги маънавий-руҳий иқлим айниқса, сўнгги йилларда жуда ўзгарди. Ҳатто ҳаво ҳам янада софлашган, осмон янада мовийлашганга, энг муҳими – одамлар фаоллашган, серғайрат, серҳаракат бўлиб қолганга ўхшайди. Аввалги бепарволик, эътиборсизликдан асар ҳам қолмаган.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги чуқур ўйланган, фактларга бой материалларга асосланган маърузаси ўз мазмун-моҳиятига кўра ноёб воқеа бўлди. У ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Шунинг учун ҳам у бугунги кунда қизғин суҳбатлар, чуқур мунозара ва муҳокамалар сабаби бўлмоқда. Ва бу, табиий ҳол. Мустақиллик йиллари мобайнида амалга оширилган ишларнинг нақадар улканлигини англаб етиш учун шуни унутмаслик керакки, ижтимоий ҳаётимизнинг барча томонларини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жуда мураккаб шароитларда ўтди.

Аммо биз Асосий Қонунимиз талабларига оғишмай амал қилганимиз учун мамлакатимиз Президенти томонидан қўйилган вазифалар ривожланишнинг «ўзбек модели»да кўзда тутилганидек изчил, босқичма-босқич ҳал этиб келинди.

Конституциямизнинг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантаналарда биз халқимизнинг рақам ёки фоизлар билан ўлчаб бўлмайдиган маънавий кўтаринкилиги янада ошганлигини қувонч билан ҳис қилдик. Бу ҳолнинг ўзи ҳам кўп нарсадан далолат бериб турибди. Мамлакатимиз Президентининг маърузасида айтилганидек,

«Ҳақиқатан ҳам, бугун босиб ўтган йўлимизни танқидий ва холисона баҳолар эканмиз, юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай улкан марраларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасига Конституциямиз белгилаб берган йўл-йўриқларни оғишмай амалга ошириш натижасида эришаётганимизни мамнуният билан таъкидлаш лозим».

Ва бунинг натижаси сифатида жамиятимизда юзага келган муҳит бизга, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «барчамиз учун катта бир имтиҳон бўлмиш» Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайловни юксак даражада ўтказиш имконини беради.

Биринчидан, мамлакатимизда илк маротаба давлат раҳбари лавозимига номзодларни кўрсатиш ҳуқуқи республикамиз сиёсий ҳаётида тобора муҳим роль ўйнаётган ва халқимиз ишончига сазовор бўлиб бораётган сиёсий партияларга берилган. Бундан ташқари, мазкур сайловда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод ҳам қатнашмоқда.

Иккинчидан, бўлажак сайловга қандай баҳо берилиши сайлов жараёнида сиёсий партиялар, жамоатчилик ташкилотлари вакилларига, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларга, оммавий ахборот воситаларига уларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириши учун қай даражада шароитлар яратиб берилишига боғлиқ бўлади.

Учинчидан, сайловни кузатиш учун юртимизга чет мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлардан, шу жумладан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотидан 300 га яқин вакиллар ташриф буюрмоқда. Сайлов кампаниясининг бориши ва овоз бериш жараёнини жами 23 минг 300 киши кузатади ва улар қаторида Европа, Осиё, АҚШ, араб ва бошқа мусулмон давлатларининг вакиллари бор.

Шу сабабдан ҳам ўзимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни намоён этиш, қонун устуворлиги ҳамда овоз бериш эркинлигини таъминлаш бизнинг бурчимиз ва муқаддас вазифамиздир. Барча сайловолди кампанияси ва бевосита сайловни ўтказиш мамлакатимиз қонунларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Биз бу жараёнга ҳар қандай давлат – маъмурий идоралари томонидан ва умуман четдан туриб қандайдир таъсир ўтказиш учун қилинадиган уринишларга йўл қўймаслигимиз зарур. Барча ушбу масалаларни ҳал қилиш учун бизда ҳамма зарурий шарт-шароитлар яратилган.

«Ишонаманки, – дейди Президентимиз, – кўпни кўрган, қанча-қанча синовлардан ўтган халқимиз бу сайловда фаол иштирок этиб, ўзининг эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз беради».

Мамлакатимиз Президенти маърузасининг иккинчи қисми кучли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши ва якунланиб бораётган йил – «Ижтимоий ҳимоя йили» якунларига бағишланган. Амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида шуни кўрсатиш мумкинки, 2006 йилда мамлакатимизда ижтимоий соҳага давлат бюджети умумий харажатларининг 51,9 фоизи йўналтирилган эди. 2007 йилда ушбу кўрсаткич 53,8 фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса бу мақсадда бюджет маблағларининг 54,6 фоизини ажратиш белгилаб қўйилган. Бундай юқори кўрсаткичлар бошқа давлатлар тажрибасида жуда кам учрайди.

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ишида 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили ва шу асосда қабул қилинган Давлат дастури алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

«Еттита устувор йўналишдан иборат бўлган, юзлаб муҳим тадбирларни ўзига қамраб олган бу кўпқиррали дастурнинг ижроси ҳақида, албатта, йил якуни билан ҳисоботлар берилади ва холис хулосалар чиқарилади», – деб таъкидлади Президентимиз.

Ва ўз фикрини давом эттириб, Ислом Абдуғаниевич : «Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, умуммиллий тус олган, мамлакатимиз ва халқимиз, узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларимиз ҳаётида чуқур из қолдирган ушбу дастурнинг асосий якунлари ҳақида, амалга оширган энг муҳим ишларимизнинг натижаси ва самараси хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман», деди.

Эътибор берган бўлсангиз, давлатимиз раҳбари «қисқача» деган сўзни ишлатди. Аммо ана шу «қисқача»нинг ортида ўз кўлами, чуқурлиги ва аҳолининг турли қатламларини қамраб олиши бўйича муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган улкан ишлар турган бўлиб, ундан олинган фактларга бой материал кўплаб давлатларга залворли ҳисобот учун етарли бўлар эди.

Қисқа мақолада ижтимоий ўзгаришларимизнинг барча томонларини ёритиб бериш мумкин эмас, шунинг учун сизнинг эътиборингизни баъзи рақамлар ва фактларга қаратмоқчиман.

Аввало, яқин уч йил ичида иш ҳақи ва пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини 2–2,5 баробар ошириш борасидаги Президент томонидан қўйилган вазифа муваффақиятли ҳал этилмоқда. Фақатгина жорий йилнинг ўзида уларнинг миқдори 56 фоизга оширилди. Бундай суръатлар бизга яқин келажакда халқ фаровонлиги ва даромадларининг юқори кўрсаткичларини таъминлаётган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида жами 483 миллиард 600 миллион сўм, шу жумладан, 213 миллиард 200 миллион сўм бюджет маблағи, 270 миллиард 400 миллион сўм миқдорида грантлар ҳамда ҳомийлар маблағи сарфланди. Бу рақамларга яхшилаб эътибор беринг. Уларнинг ортида ижтимоий соҳада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан республика раҳбарияти томонидан амалга оширилган ҳаддан ташқари катта ишлар кўлами турибди.

Президентимиз ташаббуси ва унинг фармони асосида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари тубдан ислоҳ қилинди, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида, ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида, шунингдек, «Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ҳомийлик тўғрисида» ва «Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида»ги фармонлар қабул қилинди.

«Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардаги болаларга катта эътибор қаратилмоқда. Фақат жорий йилнинг ўзида 15 та махсус мактаб-интернат ва «Меҳрибонлик» уйларида жами 4 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилди. «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига салкам 112 миллион сўмлик кийим-бош ва зарурий жиҳозлар олиб берилди. 28 та «Меҳрибонлик» уйлари ҳамда 86 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга Самарқанд автозаводида ишлаб чиқарилган 114 та замонавий автобус берилди, 4 та оилавий болалар уйи эса «Дамас» микроавтобуслари билан таъминланди.

Дастур доирасида аҳолининг кам таъминланган, кўмак ва ёрдамга муҳтож қатламларини мослашувчан ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими яратилган. Ногиронлиги бўйича ва боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия олувчиларнинг, шунингдек, кўп болали оилаларнинг ва ёлғиз кексаларнинг уй-жойларини таъмирлаш ва газлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ

Ватан ҳимоячилари куни олдидан

ЭЛ МЕҲРИ АСРАСИН!

Дунёда касблар кўп. Ҳар бир касбнинг ўз ўрни, ўз вазифаси бор. Қайси касбни эгаллашингдан қатъи назар уни мукаммал билсанг, устаси бўлсанг, элга фойданг тегса, шунинг ўзи бахт, қувонч. Шундай бўлса-да, бир касб эгалари борки, улар алоҳида ҳурмат, шарафга лойиқ. Бу касб эгаллари Ватан ҳимоячиларидир! Бугун сараларнинг саралари, асл ўғлонларимиз устига ҳарбий либос кийишмоқда. Ана шу касбни танлашмоқда.

Азалдан эл-юрт тинчлигини, осойишталигини сақлаш, ҳимоя қилиш энг муқаддас вазифа ҳисобланган. Чунки тинчлик бор жойда хотиржамлик бўлади, бунёдкорлик ишлари авжига чиқади. Чунки барқарорлик чексиз севинчдир. Ватан ҳимоячисининг энг кучли, энг ишончли қуроли – бу сергаклик, ҳушёрлик, огоҳликдир. Элни севиш ҳам – қурол, юртни севиш ҳам – қурол! Жанг қилиш санъатини аъло даражада эгаллаган посбон маънавий жиҳатдан ҳам етук бўлса, уни асло енгиб бўлмайди.

Ўзбекистон ҳарбийлари – Ватанимизнинг ишончли қўриқчилари! Уларнинг томирларида соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг, Жалолиддин Мангубердининг қони оқиб турибди. Буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари улар!

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов шундай ёзади:

Ўғлим, ҳақ деганни қўллагил фақат,
Парвоз қилар бўлса – осмони бўлгил.
Ёвузликка қарши қудратинг кўрсат,
Мудом эзгуликнинг посбони бўлгил.

Устозимиз ибораси билан айтганда, Ватанимиз ҳимоячилари эзгуликнинг посбонларидир. Яна бир неча ҳафтадан кейин ана шу касб эгалларининг байрами нишонланади. Аслида байрам ҳаммамизники. Биз шу замин, шу юртда туғилиб, вояга етган эканмиз, демакки, унинг ҳимояси учун ҳам жавобгармиз. Шундай бўлса-да, барибир улкан вазифа– осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги биринчи навбатда Ватанимиз ҳимоячилари зиммасига бориб тақалаверади.

Бизнинг иш вақтимиз белгиланган, кундузи ишлаймиз, кечаси дам оламиз. Ватанимиз ҳимоячилари эса кундузи ҳам – уйғоқ, кечаси ҳам –уйғоқ. Эл тинчлиги масъулияти елкасида, юрт осойишталиги масъулияти елкасида.

Шоир ва адибларимиз учун Ватанимиз ҳимоячилари билан учрашиш ҳамиша байрам. Устозимиз Абдулла Орипов доимо ҳарбийлар орасида. Ўзбекистон халқ шоирлари – Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, таниқли ижодкорлар Азим Суюн, Саъдулла Ҳаким, Султонмурод Олим, Икром Отамурод, Рустам Мусулмон мунтазам равишда ҳарбийларимиз билан учрашиб улар ила дилдан суҳбатлашиб, шеърхонлик қилишмоқда.

Кези келди, таъкидлаш жоиз, шоир ва ёзувчиларимиз баҳоли қудрат Ватанимиз ҳимоячиларининг машаққатли хизматларини акс эттирувчи асарлар яратишга ҳаракат қилиб келишаётир.Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Улуғ Салтанат» асарини давлат мукофотига сазавор бўлганлиги қувончли ҳол, албатта. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Амир Темур сиймоси» асари ватанпарварлик мавзусидаги гўзал асарлардан биридир. Сирожиддин Саййиднинг «Яшасин ёмғирлар» китобидан Ватан, ватанпарварлик мавзусидаги кўплаб мақолалар, суҳбатлар жой олган. Яқинда ўзининг тўқсон ёшини нишонлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Назармат отанинг «Умрим мазмуни», истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги, шоир Искандар Раҳмоннинг «Баётларим– қанотларим», подполковник, шоир Зикрилла Неъматнинг «Соғинч сарчашмаси» китоблари босилиб чиқди. Мазкур китоблардан Ватан, ватанпарварлик мавзусидаги асарлар жой олган.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф:

«Эл-юрт оромини асраган зотлар,
Эл меҳри асрасин Сизни ҳар жойда» деб

ёзганида минг карра ҳақ эди.

Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
Ёзувчилар уюшмаси масъул ходими.

ЕТУК МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ

Ёш авлодни юксак маънавий-ахлоқий ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳузуридаги техника мактаблари ва спорт тўгараклари катта аҳамият касб этади.

Миллий армиямиз қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, хусусан, ёшларни турли касбларга ўргатиш, улар қалбида ҳарбийликка қизиқиш ва ҳавас уйғотиш, илк ҳарбий сабоқ ва кўникмалар бериш, она Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб олган мазкур ташкилот бу борада бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, ташкилотнинг Марказий кенгаши ҳузуридаги Миллий авиация спорт клуби ҳам ёшларга турли мутахассислик ва спорт турлари бўйича сабоқ бериб, уларнинг етук, баркамол бўлиб етишишларида улкан ҳисса қўшмоқда.

Яқинда ушбу спорт клуби курсантларининг битирув тадбири бўлиб ўтди. Унда устоз-мураббийлар, ота-оналар ва меҳмонлар иштирок этишди.

– Қуролли Кучларимиз сафларини ҳар томонлама баркамол, соғлом, жисмонан ва маънан етук ёшлар билан таъминлашдек масъулиятли вазифада спорт клубимизнинг ҳам алоҳида ўрни бор. – дейди клуб бошлиғи Анатолий Чориев. – Олиб бораётган барча ишларимиз, ўқув жараёнларимиз замирида мамлакатимиз эртаси бўлган ёшлар маънавиятини юксалтириш, ҳақиқий ватанпарвар эр йигитларни тарбиялашдек олий мақсад турибди.

Бу ерда Тошкент шаҳри ва вилоятидан ўқишга келган ўғлонлар бир ой мобайнида ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, информатика асослари, ҳуқуқий тарбия, жисмоний тайёргарлик машғулотлари билан бирга парашютдан сакраш, ундан фойдаланиш каби машқлардан ҳам юқори малакали ўқитувчи ва инструкторлардан сабоқ олишди.

– Мен келажакда ўз йигитлик бурчимни ўтаб, Ватанга содиқ посбон бўлишни мақсад қилганман, – дейди клуб ўқувчиси Раҳмат Комолиддинов. – Шу боис ҳам ҳозир олаётган сабоқларим ва илк ҳарбий кўникмаларим хизматим давомида жуда асқотишига ишончим комил.


Спорт клубида ёшларнинг билим олишлари, ўқиб-ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кенг ва кўркам ётоқхона, ўқув хоналари, спорт шаҳарчаси, энг асосийси парашютдан сакрашни амалга оширишда керак бўладиган зарур жиҳозлар уларнинг ихтиёрида.

Тадбир давомида ўқувчилар парашютни йиғиш машқини намойиш этиб, бу борада қанчалик билим ва маҳоратга эга бўлганларини исботлашди. Уларга ушбу йўналишлар бўйича Марат Осин, Ринат Эргашев каби тажрибали йўриқчилар сабоқ беришди.

Ўқувчилардан – Илҳом Матчанов, Юрий Исаков, Шуҳрат Бердиев, Инъом Каримбоев, Фахриддин Исабоевлар юксак тайёргарликлари ва намунали хулқлари билан устозлари қалбидан жой олишганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, улар келажакда ҳарбий касб эгаси бўлишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Тадбир сўнгида битирувчиларга клуб раҳбарияти томонидан гувоҳномалар топширилди.

Аҳрор НОЗИМОВ.
Аббос УЛУҒХЎЖАЕВ олган суратлар.





ОЛТИН МЕРОС

Дунёда ўз мақолларига эга бўлмаган бирор миллат йўқ. Ҳар бир халқ аждодлари ҳаёт тажрибаларини мақоллар тарзида келажак авлодларга мерос қилиб қолдиради.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, халқ оғзаки ижодида мақоллар ихчам, аммо теран мазмунга эга бўлган жанр ҳисобланади. Мақоллар миллатнинг ўзига хослигини белгилаб берувчи омилдир. Чунки миллатнинг тарихи, тили, ҳаёт тажрибаси, маданияти, дунёқараши, фазилатлари ва ахлоқий муносабатлари халқ мақолларида акс этади. Мақолларнинг яратилиши учун жуда узоқ вақт талаб этилади. Асрлар давомида жонли сўзлашув ва ўзаро нутқий муносабатларда юзага келадиган халқ мақоллари давр ўтган сайин халқ томонидан сайқаллаштирилиб борилади.

Ўзбек халқ мақоллари ҳам жуда узоқ тарихга эга. Буюк тилшунос олим Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги мақоллар ҳам бунга ёрқин мисолдир. Маҳмуд Қошғарий ўз тадқиқотларида туркий халқларнинг қанчалик маданиятли, фазилатли, билимга бўлган қизиқиши ниҳоятда кучли эканлигини мақоллари орқали исботлаб беради. Асар 1074 йилларда ёзилган бўлиб, унда 300 га яқин халқ мақолларидан фойдаланилган. Бу эса ўзбек халқ мақоллари илдизи биз ўйлагандан кўра қадимийроқ эканлигини кўрсатади.

Яна шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, фольклоршунос олимларнинг аниқлашича ўзбек халқ мақоллари 13 мингдан зиёдни ташкил этади.

Ўзбек халқ мақоллари ранг-баранг мавзуларни ўз ичига қамраб олади. Уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳамжиҳатлик, мардлик, вафодорлик, ҳалоллик, тўғрилик, яхшилик, одоб-ахлоқ, каби фазилатлар улуғланади. Мақол бир ёки бир нечта мазмунни ўзида ифодалаши мумкин. Қуйидаги мақол эса бунга яққол мисолдир.

Ватани борнинг бахти бор.
Меҳнати борнинг – тахти.

Биринчи жумлада Ватан сўзи бахт сўзи билан боғланиб, Ватаннинг борлиги, улуғворлиги, инсонларнинг энг катта бахти эканлиги таъкидланади. Иккинчи жумладаги меҳнат сўзининг эса тахт сўзи билан келиши меҳнат қилган одам ҳеч қачон хор бўлмаслиги, меҳнат албатта муродга етказиши таъкидланади.

Ҳалол ишла, ҳалол тишла мақолида эса ўзбек халқи доим ҳалолликни, тўғриликни қадрлаганлиги яққол акс этади.

Шу билан биргаликда халқ оғзаки ижодиёти хазинасида келажак авлод вакилларининг комилликка интилиб яшашлари, нотўғри йўлларни танламасликлари учун бир қанча панд-насиҳатга доир мақолларни ҳам кўришимиз мумкин:

Халқ молини еган, халқумидан илинар.
Ўғри ўғрилаб йўлга тушар,
Охири бориб қўлга тушар.

Юқорида келтирилган мақолларда текинхўрлик, бировларнинг нонини ейишлик, ўғрилик каби ёмон иллатларнинг охири яхшиликка олиб келмаслиги тасвирланган.

Ўзбек халқ мақоллари маъно жиҳатидан ҳам икки хил усулда қўлланилади. Масалан, айримлари ўз маъносида келса, бошқалари ўз маъносида ҳам кўчма маъноларда ишлатилиши мумкин. Қуйидаги мақол бунга мисолдир:

Темирни қизиғида бос.

Бу мақолни ўз маъносида ишлатсак, темирчига нисбатан қўллаймиз. Агар кўчма маънода ишлатсак, ишни ўз вақтида бажариш кераклиги айтилган.

Мақолларнинг яна бир ўзига хос жиҳати соҳалардан келиб чиқишидир.

Ер ҳайдасанг куз ҳайда,
Куз ҳайдамасанг юз ҳайда.

Кўриниб турибдики, мақол деҳқонлар томонидан яратилган.

Тил билган йўлда қолмас.

Ушбу мақол зуллисонайн мутафаккирлар томонидан яратилган бўлиши мумкин.

Демак, ҳар бир мақол катта бир маънавий қамровга эга эканлигини ҳисобга олсак, халқимиз қадимдан бебаҳо хазинага эга эканлигининг гувоҳи бўламиз. Ўзбек халқ мақоллари миллатнинг дунёқарашини, ахлоқ ва одобини ифодалаш билан бир қаторда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, билим чўққиларини забт этишида, келажакка теран назар ташлай олишида ўрни беқиёсдир.

Фозил ФАРҲОД.

ҲАМҚИШЛОҒИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Қўшним билан ўзаро суҳбат чоғида Тўтихон опа «ишлар билан бўлиб Тошкентга ҳам бора олмадик», деб қолди. «Тинчликми? – деган саволимизга: «Мақсуднинг туғилган куни эди, 40 ёшга тўлди болагинам», дедилар.

Онани самимий табрикладик. Бир йигит 40 йилда камолга етади, дейишади. Яқиндагина мактабда намунали хулқи, аълочи ва жамоатчилиги билан тенгдошларидан ажралиб турадиган ўқувчи бугун 40 ёшга тўлибди! Шуни айтадиларда вақт, умр шамолдек тез ўтаяпти, деб.

Туғилган кун баҳона маҳалладош бўлган қўшним Мақсуд ҳақида озгина қалам юргизиб, табригимни газета орқали билдиришга жазм қилдим.

Мақсуд мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Пошшожон Рўзматова, Эгамберган Қодиров, Пирнафас Ортиқов каби устозлардан таълим-тарбия олди. Мактабни битиргач, Тошкент Давлат педагогика институтига ўқишга кирди ва бу олий даргоҳни 1991 йил муваффақиятли битирди. Қишлоққа қайтиб 16-сонли касб-ҳунар техника билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади.

Ҳамқишлоғи, олий маълумотли маданият ходимаси гўзал Нигора билан бир-бирига кўнгил қўйишиб, умр йўлларини боғлашди. Мақсуд ҳозирги кунда оиласи билан Тошкентда яшамоқда. Икки қизи, бир ўғиллари бор: Моҳинур, Мафтуна, Ҳаётбеклар мактаб ўқувчилари. Мақсуд 1994 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида бўлажак офицерларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Яъни Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси ўқитувчиси. Уни ойнаи жаҳон орқали икки, уч марта кўрдик. Қалбимиз қувончга, фахрга тўлди. Қувониб ота-онасини табриклаш учун борсам, онаси кўзларидаги қувонч ёшини яшира олмади.

Майор Мақсуд Тўраев ҳар йили она қишлоғи Ижтимоиятга оиласи билан таътилга келади. Дийдорлашиб, ҳол-аҳвол сўрашамиз. Ҳамма унга ҳавас билан қарайди. Айниқса ўсмир йигитлар. «Мақсуд оғамдай бўламан!», деган орзуни очиқ айтишади. Интилганга толе ёр, дейишади. Ажаб эмас, қишлоғимиз, маҳалламиздан майору, подполковниклар, генераллар чиқса бизлар ҳам албатта қувониб, фахрланамиз.

Мақсуд таътилга келганида элдошлари эъзозлаб кутиб олишади, кўп жойларга таклиф қилишади. Давраларда, ёшлар билан бўлган учрашувларда Ватаннинг муқаддаслигини, уни ўз уйингдай қўриқлаб асрашни, эл-юртга муносиб, Жалолиддин каби мард ва жасур фарзанд бўлишни таъкидлайди. Ёшлар бу сўзларни жон қулоғи билан тинглашади.

Бугун орзусига етган маҳалладошимизнинг эзгу мақсадлари ҳали кўп бўлса керак. Эр йигит эл ғамида деганларидай, у бор имкониятларини шогирдларининг билим ва маҳоратини ошириш йўлида сарф қилишига, уларга ҳар томонлама ўрнак бўлишига ишончимиз комил. Айни дамда машаққатли ва шарафли касбда хизмат қилаётган майор Мақсуд Тўраевни камолга етказиб, боши кўкка, қалби қувончга тўлиб ўтирган ота-онаси Собиржон ака ва Тўтижон опалар ўғиллари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Эл-юрт хизматига камарбаста бўлиб хизмат қилаётган ўғилларига соғлик-омонлик, ёшига ёш, ишларига ривож, оилавий бахт тилаб, дуога қўл очадилар. Мен ҳам ҳамқишлоғим, қўшним Мақсуджон билан ҳақли равишда фахрланиш ҳисси ила дуога қўшилиб, унга эзгу тилаклар билдираман.

Гавҳаржон МАТҚУРБОНОВА,
Хоразм вилояти Шовот тумани.

МАТБУОТ ХИЗМАТИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида фаолият юритаётган матбуот хизмати ходимларининг соҳага оид ва касбий малакаларини янада юксалтириш, уларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий билимлари савиясини ошириш мақсадида вазирликнинг бирлашган таҳририяти базасида тизим матбуот хизматлари ходимлари учун ўқув-амалий йиғин ўтказилди.

Ўтказилган ўқув-амалий йиғин машғулотларида «Истиқлол, ислоҳат ва мафкура», «Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси», «Фавқулодда вазиятларда матбуот билан ҳамкорлик», «Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни», «Матбуот ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш жараёнининг боғлиқлиги», «Фавқулодда вазиятларда руҳий тайёргарлик» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Шунингдек, йиғин иштирокчилари газета ва журналга материал тўплаш, таҳрир ва дизайн қилиш, чоп этиш ҳамда тарқатишгача бўлган ишлар жараёни билан таништирилди. Фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича мақолалар ёзиш учун тавсиялар, фуқаро муҳофазасига оид адабиётлар, ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

Йиғин давомида мутахассислар томонидан турли саволларга жавоблар берилиб, келгуси режалар бўйича фикрлар билдирилди.

Ҳусниҳон ТОЖИБОЕВА.



МИЛЛИЙ КИЙИМЛАР – ИНСОН КЎРКИ

Маълумки, кийим – инсоннинг энг қадимий ихтироларидан бири. У сўнгги палеолит давридаёқ мавжуд бўлган ва географик муҳит, хўжалик шакли, ижтимоий муносабатлар, маданият, этник қатламлар ва бошқаларга боғлиқ ҳолда тараққий этган.

Кийим эстетик вазифани бажарибгина қолмай, унда ҳар бир давлатнинг ўзига хос белгилари акс этади. Маълум бир халқнинг этник, тарихий илдизларига бориб тақаладиган анъаналари, эстетик шакл элементлари, гўзаллик тўғрисидаги тасаввурлари ифодаланади. Бу эса миллий кийимларимиз тарихини ўрганишга, халқимизнинг бебаҳо ёдгорликлари меросини дунёга танитишга, шу билан бирга уларни асраб-авайлашга ундайди.

Мамлакатимиз ҳудудида маҳаллий кийимлар қадимдан иқлим, турмуш шароитлари ва уруғ-қабила анъаналари асосида шаклланган. Қолаверса, ўзбек миллий кийимларининг бой тарихини биз миниатюралар, ёзма манбалар, деворий расмларда ҳам кўришимиз мумкин.

Маълумотларга қараганда, XIX асрда эркакларнинг энг асосий миллий кийимлари – тўғри бичимли кўйлак, яктак, тўн, чакмон кабилар бўлган. Бош кийими дўппи, кулоҳ бўлиб, устидан салла ўралган. Қиш фаслида эса мўйнали телпаклар кийишган. Аёллар кийимлари эса кўйлак, лозим, калтача, нимча кабилар бўлиб, улар ҳам тўғри бичимли бўлган. Бош кийими сифатида асосан рўмол ўралган. Уларнинг эса дока, шол, шойи, ғижим рўмол каби турлари бўлган.

Шунингдек, дўппилар ҳам аёллар бош кийими қаторидан жой олган. Биламизки, дўппи ўзбек халқи орасида энг кўп тарқалган бош кийими ҳисобланади. Унинг ироқи, чоргул, йўрмадўзи, мунчоқ гулли, зардўзи каби турлари машҳур бўлган.

Республикамиз иссиқ ўлка бўлганлиги боис бизнинг шароитда аёллар учун энг қулайи кўкрак бурма ва пасти яхлит бичимли кўйлак ҳисобланади. Бундай кўйлаклар 80–90-йилларда урф бўла бошлаган. Уларнинг афзаллиги шундаки, иссиқ авжига чиқиб, киши терлаб турганда ҳам кўйлак баданга ёпишиб қолмайди. Шунинг учун ҳам кўкракбурма кўйлак ҳеч қачон урфдан қолмай, фақат айрим деталлари бир оз ўзгартирилиб, замонавий тус берилган ҳолда ҳозиргача кийиб келинмоқда.

Умуман, ўзбек миллий кийимлари бичими асосан Бухоро–Самарқандча, Фарғона–Тошкентча ва Хоразмча турларга бўлинади.

XX асрнинг 20-30 йилларида кийимлар бичими ўзаро бир-бирига яқин бўлган икки йўналишда ўзгариб борди ва шу билан бирга Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида Европача бичимда тикилган кийим-бошлар расм бўла бошлади. Миллий кийимга Европа кийимлари хусусиятларининг киритилиши миллий кўйлакни шим билан, аёллар кўйлакларини нимча билан кийилишига олиб келди. Миллий бичимдаги кийимлар қоматнинг нисбатларига яқинлашди. Натижада, аёллар кўйлаклари торайиб, калталашди ва эркаклар кийими оммавий миллий кийим таркибига кўра соддароқ ва чиройлироқ бўлиб борди.

Шу жиҳатдан умумий йўналиш билан бирга миллий кийимлар ҳам урфдан қолмаслиги барчага аён. Уларнинг ўзига хослиги эса шаклида ва миллий матоларда намоён бўлди. Хусусан, аёлларнинг кенг ёзги кўйлаги, эркакларнинг ишчи кийими, адрас ва атлас, беқасам каби миллий матоларимиздан замонавий талқинда яратилаётган кийимлар диққатга сазовордир. Қолаверса, ҳалигача кўпгина вилоятларимизда кекса одамлар, келинчаклар ва аёлларимиз орасида тўн (чопон)нинг, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари аҳолисининг миллий кийимларида эса кашталарнинг сақланиб қолиши анъанавий тус олган. Шу билан бирга Тошкент ва Фарғона водийси кийимларининг ўзига хослигини, Бухоро ва Самарқанд воҳаси кийимларининг сержилолиги, уларда ноёб зардўзлик санъати услубларининг акс этиши ҳамда Хоразм воҳасида ёзнинг совуғидан сақланиш учун маҳаллий аҳоли эгнида енги узун кўйлак ва бошларида чўгирма телпаклар кийишини алоҳида таъкидлаш жоиз.


Қувонарлиси шундаки, миллий либосларда аёлнинг ибоси-ю, эркакнинг ғурури яққол акс этиб туради. Ҳозир замонавий кийимларнинг аксарияти европача услубда тикилаётган бўлса-да, уларда миллий анъаналар сақланиб келаётгани бежиз эмас. Кийим матосининг тури четда қолиб, турли суратлар туширилган, очиқ-сочиқ кийимда кўчада юриш ҳоллари учрамоқда.

Либос – инсон кўрки. Шундай экан, биз миллий кийимларимиз тўғрисидаги маълумотларни ўқиш ва ўрганиш билан бирга кийиниш маданиятига, миллийликка алоҳида эътибор беришни асло унутмаслигимиз лозим.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА.

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

МЕҲРУ МУҲАББАТ-ЛА ГЎЗАЛДИР ОЛАМ



Офицер Абдуманноп Турғуновнинг сержантлар тайёрлаш мактабида хизмат қилаётганига ҳам беш йилдан ошиб қолди. Бу офицер сифатида ўзини кўрсатиш, етук мутахассислар орасида ўз ўрнини топиш учун етарли фурсатдир. Барча билан осон тил топишиб кета оладиган йигитнинг мактаб жамоасига киришиб кетиши ҳам айтарли қийин кечмади. Уни тез орада ташаббускор, ғайратли, изланувчан офицер сифатида тилга ола бошладилар. Жамоат ишларида фаоллиги, сафдошлари учун ҳамиша ёрдамга шайлиги, умумманфаати учун сидқидилдан ҳаракат қилиши туфайли бу самимий инсонни ҳамма ҳурмат қилади.

– Касбимиз тақозосига кўра посбонларимизнинг оилаларини яқиндан билишга ҳаракат қиламиз, – дейди сержантлар тайёрлаш мактаби хотин-қизлар кенгашининг раиси Малика Муратова. – Ўтказилган суҳбатлар, бирга ишлаш жараёнида оила бошлиқлари, бекалари ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўлиб, улар ҳақида аниқ фикр билдиришимиз мумкин. Мен Абдуманноп Турғуновни нафақат маҳоратли офицер, балки намунали оила бошлиғи сифатида ҳам яхши биламан. Унинг мулоҳазакорлигини, ҳаётга, одамларга бўлган чексиз меҳрини кўриб, беихтиёр ҳурматингиз ошади, уни тинглагингиз, бошқаларга намуна қилиб кўрсатгингиз келади. Ёш бўлишига қарамасдан баъзи бир ҳаётий масалаларда катталарга ҳам ўрнак бўла олади.

Халқимизда юлдузи юлдузига тўғри келибди, деган гап бор. Абдуманноп билан Зарифанинг бир-бирлари тўғрисида тўлиб-тошиб гапиришлари, ўзаро муомалаларини кўриб, юқоридаги гап нақадар уларга мос келишига амин бўласиз.

– Бу менинг «кабинетим», – Абдуманноп шундай дея бизни чоғроқ хонага бошлаб кирди. – Кутубхонам десам тўғироқ бўлади.

Мазкур «кабинет» ёки кутубхона ортиқча жиҳозлардан холи. Хонада тикув машинаси ҳам бор. Оила бошлиғи унчалик бой бўлмаган кутубхонасидаги мавжуд китобларни бир-бир олиб кўрсатар экан, унинг адабиётга бўлган қизиқиши ҳам сезилиб турарди. У кутубхонасини энг машҳур ва дурдона асарлар билан янада бойитиш нияти борлигини ҳам қўшиб қўйди. Кутубхона билан танишув асносида тикув машинаси ҳам эътиборимни тортганлигини кўриб, у яна изоҳ берди:

– Бу хонамизга аслида ижодхона деб ном берсак яна ҳам тўғрироқ бўлар эди. Рафиқам Зарифахон учун ҳам бу хона жуда қадрли. Шаҳарчамиздаги кўпдан кўп аёлларнинг эгнида ярашиб турган кўркам либослар айнан шу ижодхонада яратилган.

Нозиккина, юзларида самимият балқиб турган Зарифахон аслида Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг агромуҳандислик факультетини тамомлаган. Танлаган касби билан эгаллаган ҳунарининг ўртасида қандай боғлиқлик борлиги мени ҳам қайрон қолдирди. Гап шундаки, у бувиси Салимахоннинг тарбиясини олган экан. Кексалар тарбиясида ҳикмат борлиги ҳам шунда-да. Бувисидан тикувчилик ҳунарини ўрганиб кам бўлгани йўқ. Ўзи ҳам бу ҳунарга ижодкорона ёндашган. Шу сабабли ҳам шаҳарчада уни миллий ва европача либосларни маромига етказиб тикадиган уста тикувчи сифатида биладилар.

Зарифанинг эгаллаган ҳунарларини кўриб, уни чиндан ҳам ижодкор дейиш мумкин. Ахир аёлларнинг гўзал соч турмаги ҳам ижод маҳсули эмасми? Уни бу борада қўли гул уста сартарош дейдилар. Офицер йигитнинг зап омади бор экан-а!

Уларнинг турмуш қуришлари ҳам ўзига хос. Буни бир боқишдаги муҳаббат деса ҳам бўлади. Зарифани бир мартагина кўрган йигит ойисига деди:

– Ойи, мен шу қизга уйлансам керак.

– Буни менинг юрагим ҳам сезяпти, – дея жавоб қилганди ойиси Хадичахон опа.

Она қалби, она сезгиси ҳеч қачон алдамайди. Олам яна бир бахтли жуфтлик билан янада бойиди, гўзаллашди. Улар фарзандни анча интиқ кутишди. Ниҳоят улар орзиқиб кутган ўша қувончли кунлар келди. Кичкинтой Абдухалил ёш оилага олам-олам қувончлар бахш этди.

Офицернинг онаси Хадичахон опа узоқ йиллар «Андижонтранс»да масъулиятли лавозимларда ишлаганлар. Ҳозирда эса қиз-ўғиллар, набиралар ардоғида кексалик гаштини сурмоқдалар:

– Абдуманнопнинг ҳарбий бўлишини истамаганман, мендан узоқлашиб кетади деб ўйлаганман-да. Аммо энди ниҳоятда хурсандман. У ўз ўрнига эга, сафдошлари орасида ҳурмати жойида, энг шарафли касб эгаси. Фарзандларим ҳозир турли шаҳарларда юрт хизматидалар. Она учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Юрт хизматидаги барча инсонлар қатори фарзандларим ҳам ҳамиша соғ-омон бўлишсин.

Офицер Абдуманноп Турғунов сержантлар тайёрлаш мактабида малакали мутахассислар билан бирга хизмат қилаётганидан мамнун. У устоз сифатида офицер Убайдулло Амиров, истеъфодаги офицер Бахтиёр Бобокалоновлар номини ҳар вақт ҳурмат билан тилга олади. Ўзи ҳам етуклик сари интилиб келади. Машаққатли ҳам шарафли касбида унга қанот бўладиган, қувват бўладиган меҳр-муҳаббатга тўла гўзал оиласи ҳамиша ҳаммага намуна бўлиб яшнаб турсин.

Инобат НОДИРШОҲОВА.



САЛОМ – ҚУРОЛИМ ЙЎҚ

Таниш ёки нотаниш бўлсин, биз одамларни доимо саломлашиб қарши оламиз. Бу ўзига хос эҳтиром ва ўзаро мулоқотни бошлаш учун яхши восита ҳисобланади. Бироқ саломлашиш шунчаки маданият белгиси эмас. Олимлар унинг тарихи зарурат эканлигини ҳам таъкидлайдилар.

Маълумки, инсоният ўз тарихининг дастлабки даврларида қабила-қабила бўлиб яшаган. Бу хавфсизлик, жон сақлаш нуқтаи назаридан жуда фойдали эди. Бироқ, яшаш учун кураш қабилалараро муттасил жангларга сабаб бўларди. Нимаики керак бўлса, у жанг билан эгалланиши, қўлда эса мунтазам қурол бўлиши керак эди. Лекин ўзаро маҳсулот айирбошлаш, тажриба алмашиш мақсадида янгича муносабатлар ўрнатилиши талаб этиларди. Шу боис одамлар бир-бирларига яхши ниятда келганини билдириш учун қўлида қуроли йўқлигини кўрсатиб, қучоқларини катта очиш усулини ўйлаб топдилар. Бу эса кейинчалик кўришиш, саломлашиш дея атала бошлади. Маълум маънода саломлашишни дипломатиянинг биринчи кўриниши, дейиш ҳам мумкин.

Қадимги даврларда саройларда, ҳатто ҳозир ҳам юқори доираларда саломлашиш санъат даражасига кўтарилган. Буни Хитой, Ҳиндистон, Европа халқлари маданиятидан ҳам билса бўлади. Мураккаб, такрорий, бироз вақт талаб этиладиган салом бериш тартиби чуқур ҳурмат ва садоқатни билдирган.

Даврлар ўтиши билан ҳар бир халқ ўз дунёқараши, атроф-муҳитга нисбатан муносабати ва маданий меъёрларидан келиб чиқиб, саломлашишнинг турли шаклларини қабул қилган. Жаҳондаги кўпгина халқларда салом сўз орқали бажарилади. Лекин бу ўринда қўл, бош каби тана аъзоларининг ҳаракати ҳам қўшимча вазифа бажариши мумкин. Ҳар қандай одамга мурожаат ёки муомала қилишдан олдин салом бериш ва алик олиш инсоний фазилатдир.

ҚАЕРДА ҚАНДАЙ САЛОМЛАШИЛАДИ?

Мисрликларнинг қадимги саломлашиш усуллари бугунги ҳарбийларнинг саломлашишига ўхшаб кетади. Улар кафтларини пешоналарига қўйишган.

Сермулозамат франциялиқлар дўстлари билан ҳар учрашганида қўл бериб кўришади ёки ўпишиб қўяди ва худди шу тарзда хайрлашади.

Хитойликлар илгари замонларда бир-бирлари билан кўришиш белгиси сифатида ўз қўлларини сиқиб қўйишган.

Японияликлар бирор кишн билан саломлашганда таъзим қилади. Бу жуда назокатли ва маданиятли кўринади.

Британияликлар дўстларини учратганда, «салом» деб қўя қолади. Бундай совуққонлик катта ёшли кишиларда ҳам мавжуд.

Тибетликларнинг саломлашиш усули бироз ғалатироқ: Улар саломлашишни бир-бирига тилларини чиқариб кўрсатиш орқали ифодалашади.

Эскимослар эса сўрашаётган кишиларнинг боши ва елкасига енгил мушт билан уриб қўядилар.

Ҳиндлар икки кафтини бирлаштириб ва бироз эгилган ҳолда саломлашади.

БИЗДА-ЧИ?

«Ассалому алайкум» – бу ўзбек халқи қабул қилган саломлашиш тури. «Ассалому алайкум» арабча сўз бўлиб, сизга тинчлик, саломатлик тилайман, деган маънони англатади. Бу сўз мусулмонлар ўзаро учрашганда ишлатадиган саломлашув ибораси сифатида қабул қилинган. Саломни қабул қилувчи» Ва алайкум ассалом» – («Сизга ҳам тинчлик, саломатлик тилайман»), деб жавоб қайтаради.

Саломлашишда маълум қоидалар мавжуд. Унга кўра, кичик ёшдагилар ёши улуғларга, улов минган одам пиёдага, пиёда кетаётган киши ўтирганга, озчилик кўпчиликка салом беради. Ассалому алайкум кўпчилик ҳузурига кириб ўтиришда ҳам айтилади.

Уни ошкора айтиш кишилар ўртасида ҳурмат ва эҳтиром пайдо этиб, ўртадаги гина ва қудуратларни кетказади. Ассалому алайкум дейиш суннат, жавоб қайтариш эса вожиб ҳисобланади, дея келтирилади ахлоқ-одоб тавсифидаги китобларда.

Шунингдек, хон-амирлар билан учрашув (аудиенция) ҳам салом деб аталган. Амир, хонларнинг қабулхонаси саломхона деб номланиб, унинг хизматчиси салом оғаси деб юритилган. Келинни куёв хонадонига келган биринчи куни эрталаб хонадон катталарига, яқин қариндошларига таъзимга олиб чиқиш маросими ёки умуман келинчак таъзими ҳам салом номини олган.

Ўзбекистондаги саломлашиш ҳаракатлари, ишлатиладиган сўзлар ҳудудлараро бироз бўлса-да, фарқланади. Лекин ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамлиги, аҳолининг этник жиҳатдан у қадар фарқланмаслиги сабабли кескин тафовутлар учрамайди. Қўл сиқиш, қучоқлашиш, елка олиш, бир-бирининг тирсагини ушлаб сўрашиш (аёллар орасида) деярли ҳамма жойда учрайди.

ЯНГИЧА «САЛОМЛАР»

Кимдир узоқ, кимдир мулозаматлардан ҳоли равишда саломлашишни маъқул топади. Бу ҳар бир кишининг ўз ихтиёрида. Муҳими, қандай саломлашиш эмас, бир оғиз сўз билан бўлса-да, саломлашиш, бироқ…

Сўнгги вақтларда ривожланиш ва онг ўзгариши натижасида ўлароқ, саломлашиш анъанасида ҳам «мутациялар» кўзга ташланмоқда. Бу айрим кишилар ўртасидаги саломлашишдаги назокат, эҳтиромнинг йўқолиб бораётганида, айниқса ёшлар орасида намоён бўлади. Кундалик ҳаётимизда янгидан-янги саломлашиш турлари пайдо бўлмоқда. Ўзингиз ҳам сўнгги вақтларда гувоҳи бўлаётганингиз бош уриштириш,елкаларни уриштириш, юзни юзга теккизиб қўйиш шулар жумласидан. Қолаверса, айрим йигитларнинг ўта нафислик билан ўпишиб кўришишлари ҳам атрофдагиларга бирмунча эриш туюлиши мумкин. Бу ҳаракатлар кўп ҳолларда ўзаро яқинлик, бошқалардан ажралиб туриш истаги билан изоҳланар, балки. Бунда бошқа халқлар, улар маданиятининг таъсири борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Ёшларимизни фарзандларимизни миллий урф-одатлар, анъаналаримиз асосида тарбиялаш эса фақат ва фақат ўзимизга боғлиқлигини унутмасак бўлгани.

Н. ТЎХТАЕВА.

ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Кейинги йилларда оила ахлоқи ва одоби, оила психологияси фанини кўпгина ўқув масканларида ўқитишга алоҳида эътибор берилмоқда. Буни ўқитишдан мақсад ёшларимизнинг бахтли келажагини ярата олиш, уларни бахтли турмуш сари йўналтиришдир.


Ҳозирги шароитда ҳам никоҳларнинг бузилиши болаларнинг отасиз, нотўлиқ оилаларда тарбияланиш ҳоллари кам бўлса-да учраб турибди. Бундай ҳодисаларни ижтимоий-маиший жиҳатдан таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқда-ки, бу турмуш қуришга тайёргарлик даражаси пастликдандир. Оила ахлоқи ва одоби, оила психологияси ва этикаси фанлари бундайин камчиликларни тугатиш, ёшларимизни турмуш қуришга тайёрлаш, оиланинг нозик муаммолари хусусида сабоқ бериш мақсадида барча таълим масканларида ўқув фанлари қаторидан ўрин олди.

Ушбу ўқув фанларидан дарс берувчи ўқитувчи, оила ҳаётининг ахлоқий камолотга етишиш йўллари хусусида тушунчалар беради. Оилавий ҳаётга тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида тест, сўровномалар ўтказади.

Катта ҳаёт йўли остонасида турган йигит-қизларимиз майда-чуйда нарсаларга ҳам тақлидчан бўлади. Ёшларимизнинг муомаласи ва ақлзаковати худди шу оилада олган ва эгаллаган таассуротлари асосида вужудга келади. Оиладаги намуна уларда инсонийлик хислатларининг намоён бўлишида катта аҳамият касб этади. Оила қуришга тайёрлашда уларни халқимизнинг энг яхши урф-одатлари руҳида тарбиялаш ҳар бир ўқитувчи, ота-онанинг бурчидир.

Ҳарбийлик бу шарафли касб. Элнинг назарида бўлади. Бу масъулиятли касб эгаси бўлишни истовчилар кўплиги, айниқса ёшларимиз орасида унинг нуфузи тобора ортиб бораётгани Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.

Ҳарбийлар оиласи деганимизда, кўз олдимизга интизомли, садоқатли, тинч-тотув яшашга одатланган мустаҳкам оила келади. Ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлашганимизда улар баъзан оиласи, фарзандлари даврасида кам бўлаётганларини айтишади. Фарзандларига кўпроқ вақт ажрата олмаётганликларидан гапиришади. Уйга борганларида фарзандлари уларни худди байрамдагидек қилиб, кутиб олишаётганликларидан эса хурсанд бўлишади.



Кўз олдингизга келтиринг-а, хизматдан ҳорғин ҳолатда кириб келган адажонисини кўрган ўғли ёки қизчаси ўзини унинг бағрига отади, ширингина чуғурлай кетади: «Адажон, мен сизни роса соғиндим, роса кутдим. Энди кетмайсиз-а, мен билан ўйнайсиз-а, мен билан ухлайсиз-а, сизни ачом-ачом қилиб ухлайман». Қизчаси ёки ўғилчасининг бу хатти-ҳаракатларидан таъсирланган адажонисининг ҳорғин кайфияти бир зумда тарқаб кетади. Оталик меҳри товланиб, фарзандини қучиб, бағрига босиб, юзларидан ўпиб, сочларидан силайди. «Хўп, асалим, қўзичоғим. Ҳеч қаёққа кетмайман, ёнингда бўламан», деб фуражкасини фарзанди бошига кийгазади. Бундан таъсирланган фарзанд хурсанд бўлиб: «Кўрдингизми» – дегунча, жилмайиб турган ойисига ғурурланиб қараб қўяди.

Ҳарбий хизматчи билан суҳбатлашар эканман, шундай дейди: «Баъзан уйга кеч қайтаман, фарзандларим ширин уйқуда, улар билан суҳбатлашгим келади-ю, иложим йўқ, уйқусини буза олмайман. Баъзан хизмат бурчимни бажариш учун вақтли отланаман». Ҳа, ҳарбий хизматчини бир томондан фарзандга бўлган меҳр, иккинчи томондан соҳага бўлган масъулият ҳисси, бурчи, вазифаси ўзи томон тортади. Тонг ёришмасдан хизматга шайланган ҳарбий хизматчи ширин уйқудаги фарзандларини секин ўпиб қўйиб, хизматга кузатаётган жуфти ҳалолига, фарзандларга эътибор билан қараб туришни тайинлайди.

Инсон кимгадир кераклигини билиб яшаши – бу катта «бахтдир». Кимлардир уни кутиб, соғиниб яшаётганликларини билиб, сезиб, ҳис қилиб яшаш – буям катта бахт . Халқи учун, Ватани учун керак. Ота-онаси, оиласи, фарзандлари, қавм-қариндошлари, дўстлари учун керак. Демак, ҳарбий хизматчи биз учун, давлатимиз учун керак.

Ҳаётда ҳар хил ҳолатларга дуч келиш мумкин. Оддий аскар ёки курсантнинг ўзгариб қолиши, ўқиши ва хизмат вазифасида сустлашиб қолишига нималардир сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун қулай вазият топиб, ундан нимага бундай бўлиб қолаётганлигининг сабабларини суриштириш, иложи бўлса ёрдам беришимиз керак.

Выполнение концентрированных сгибов. Сядьте на низкую скамейку, держа гантель в одной руке, и наклонитесь вперед относительно линии талии. Упритесь рукой о верхнюю поверхность бедра. Медленно сгибайте руку с гантелью по направлению к груди. При этом верхняя часть руки (плечо) должна оставаться неподвижной, располагаясь у внутренней поверхности бедра. Во время движения руки вверх запястье должно оставаться прямым. Предельно напрягите сократившиеся мышцы и удерживайте руку в таком положении две секунды, затем медленно опустите ее.



ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

КЎНГИЛЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Республика мусиқачилар тарбияловчи мактаб интернатида Мудофаа вазирлигининг алоҳида намунали - кўргазмали ҳарбий оркестри жамоасининг концерт дастури намойиш этилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан ўтказилган мазкур хайрия тадбиридан кўзланган мақсад, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларни она диёрни севишга ва ундаги ҳар бир нарсани асраб-авайлашга ва шу орқали уларда меҳр, ишонч, эзгулик каби фазилатларни сингдиришга қаратилган.

Республика мусиқачилар тарбияловчи мактаб интернати ҳарбий мусиқачилар тарбияловчи махсус ўқув муассасаси сифатида ташкил этилган эди. Кейинчалик унга Республика мусиқачилар тарбияловчи мактаб интернати мақоми берилди. Ҳозирги кунда ушбу мактаб интернатида 294 нафар кам таъминланган оила фарзандлари сабоқ олишади. Ушбу мактабни тамомлаган кўпгина иқтидорли мусиқачилар Мудофаа вазирлигининг алоҳида намунали кўргазмали оркестрида фаолият юритишмоқда.

Офицер Павел Макаров бошчилигидаги оркестр мактаб интернат билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, ҳар йили бу ерда ўтказиладиган байрамларда, турли табдирларда концерт дастурлари билан иштирок этадилар. Ўтказилган мазкур концерт ҳам фикримиз исботидир.

Концертда ижро этилган маршларда асосан, юртга муҳаббат, унинг ҳар бир ютуғидан ғурур ва фахр-ифтихор туйғулари ўзига хос мусиқий оҳанг орқали тараннум этилди. Бу эса томошабинларга катта шавқ-завқ бағишлади. Айниқса, жамоа репертуаридан жой олган «Ўзбекистон», «Қуёшли ўлка», «Хоразм лазгиси» каби миллий маршлар ўқувчилар томонидан қизғин қарсаклар билан кутиб олинди.

– Мен мана шу концертни томоша қилиб, жуда катта таассурот олдим, – дейди мактаб интернат тарбияланувчиси Аббос Ўринов. – Тўғрисини айтсам, ҳарбий либосдаги мусиқачиларнинг ҳар бир куйни ўзига хос тарзда ижро этиш маҳоратлари қойил қолдирди. Шу боис концертни масза қилиб томоша қилдим. Мен жамоадаги ҳарбийларга ҳавас қилиб, ўз олдимга бир мақсад қўйдим. Яъни, мен ҳам келажакда мана шу ҳарбий оркестрда фаолият олиб бормоқчиман. Шу боис берилаётган ҳар бир сабоқни аъло баҳоларга ўзлаштиришга ҳаракат қиламан.

– Концерт дастурлари орқали бу даргоҳда тарбия топаётган ёшларнинг кўнглига озгина бўлсада, қувонч олиб кирдик деб ўйлайман, – дейди Алоҳида намунали - кўргазмали ҳарбий оркестр бошлиғи офицер Қосимжон Отамирзаев. – Боланинг кўнгли гул каби нозик бўлади. Шу боис уларга озгина меҳр ва эътиборнинг ўзи кифоя. Эътибор берган бўлсангиз, оркестримизнинг ҳар бир чиқишини улар катта қизиқиш ва олқишлар билан кутиб олдилар. Биз бундан жуда ҳам хурсанд бўлдик. Ўйлаймизки, улар орасидан ҳам келажакда ҳарбий оркестримизда фаолият олиб борадиган яхши мусиқачилар етишиб чиқади.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган сурат.



РУҲАН, ФИКРАН ҲАРБИЙ

Ниғмат, Қуролли Кучларимиз сафларида йигитлик бурчини ўтаб қайтган пойтахтлик ўғлонлардан бири. Айни кунларда эса ота касби – ҳунармандчилик билан шуғулланмоқда. Табиийки, аскарлик даври унинг ҳаётида ўзига хос из ва таассуротлар қолдирган.

Йигитнинг таъкидлашича, ҳарбий хизмат инсонни жисмонан чиниқтирибгина қолмай унинг маънавиятини бойитади, руҳиятини мустаҳкамлайди ва дунёқарашини кенгайтиради. Қолаверса, кўпроқ мустақил фикрлашга ва жамоа таркибида иш юритишга ўргатади. «Хизмат, аввало, бу – масъулият». Ишончим комилки, суҳбатдошимнинг бу фикрига барчангиз қўшиласиз. Тўғри-да, айнан масъулият ҳисси она Ватан олдидаги шарафли бурчни сидқидилдан адо этишга, ўз вазифасига бутун вужуди билан киришишга, қўйилган топшириқни сифатли бажаришга ундайди...

– Бир йиллик жанговар хизмат кўп нарсаларга бўлган қарашларимни ўзгартирди, – дейди собиқ оддий аскар Одилов. – Оила аъзоларим, қариндошларим, дўстларимга бўлган меҳрим ортди. Йўқ, бу йигит илгари бемеҳр бўлган экан, деган ўйга борманг, албатта. Лекин, туғилиб ўсган гўшасидан, уйи ва маҳалласидан узоқда бўлган ҳар қандай киши кўп нарсаларнинг қадрига етишга, уларга меҳр кўзи билан боқишга ўрганади. Қолаверса, олдин жуда ўйлантирган, мени ташвишга солган нарсаларнинг аксарияти ҳаётда у қадар муҳим эмаслиги ва ҳар қандай мақсадга сабр-тоқат, сабот билан эришиш мумкинлигини тушуниб етдим.

Буни қарангки, армиядан қайтганига икки йилдан ошган Ниғматнинг кундалик режасида жисмоний ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликка ажратилган бандлар ҳам мавжуд. Эҳтимол, бу гап сизга эришдек туюлар. Лекин устанинг куни қатъий режага асосланган бўлиб, ҳар соати ва юмуши шахсий назорати остида. Масалан, ҳар куни эрталаб жисмоний машқлар билан шуғулланади. Оммавий ахборот воситаларидан республикамиз ва жаҳонда рўй бераётган турли янгиликлардан воқиф бўлиш эса иш куни сўнггида. Шунинг учун бўлса керак, баъзан ҳамкасблари унга ҳазиллашиб, оддий аскар Одилов, дея мурожаат қилишади. Ахир у фуқаро кийимидаги ҳарбий-да. Руҳан ҳарбий. Фикран ҳарбий.

Дарвоқе, яқин кунларда Ниғматнинг ҳаётида муҳим воқеа рўй бериш арафасида. У уйланмоқчи. Қуролли Кучларимиз сафларига чақирилишидан илгари танишган, хизмати давомида хат ёзишган ва унга далда бўлган севимли қизга.

Ўйлаймизки, оила қуриш остонасида турган ўғлонга «ҳаёт мактаби»да орттирилган билимлар, шаклланган дунёқараш айниқса, асқотади.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

Талаба минбари

МАҚСАДУ ОРЗУЛАР ЧОРЛАЙДИ БИЗНИ

Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига имтиҳонларсиз ўқишга қабул қилинганлигимни эшитган устозим мамнун ҳолда бир ҳикоятни сўзлаб бердилар.

Қадимда яшаб ўтган бир подшоҳ севимли маликасига атаб гўзал бир сарой бунёд этмоқчи бўлибди ва салтанатидаги энг машҳур усталарни ҳузурига чорлабди. Қаср қурилишига бел боғлаган усталар текис ва чиройли тераклар кераклигини шоҳга етказишибди. Аъёнлар шунча ҳаракат қилсалар ҳам, усталар айтганидек саройбоп теракларни топишолмабди. Ана шунда подшоҳ «кимда ким чиройли дарахтларни топиб келтирса, мукофотлайман» дея фармон чиқарибди. Сарой аъёнлари у ёқ, бу ёққа чопишиб, ахийри чекка бир қишлоқда истиқомат қилувчи кекса бир онахоннинг уйида ана шундай тераклар ўсаётганлигини аниқлашибди. Шоҳ ваъда этилган мукофотлар билан бирга кампирнинг уйига чопар жўнатибди. Севимли теракларини шоҳга беришга рози бўлган онахон хайрлашиш олдидан теракларга қарата шундай дебди:

– Сарвқомат теракларим! Сизлар чиройли, сарбаст бўлиб ўсганликларингиз учун шоҳ даргоҳига кетаяпсизлар. Меҳнатимнинг қадрланишига, қариган чоғимда ҳузур-ҳаловатда яшашимга сабабчи бўлдингиз. Агарда қийшиқ, кўримсиз бўлиб ўсганингизда эди, ўтиндан бошқасига ярамасдингиз.

Устозим гарчи бу ҳикоятга ортиқча изоҳ бермаган бўлсалар-да, уларнинг нима демоқчи бўлганликларини англагандай эдим.

Дарҳақиқат, университет бекату, биз ўткинчи йўловчилар эмасмиз. Тинимсиз меҳнатимиз, тунни тонгга улаб ўтказган бедор кечаларимиз учунгина бу даргоҳнинг талабасига айландик.

Умрни оқар сувга қиёслаймиз. Сабаби оқаётган сувни тўхтатиб бўлмаганидек, ўтаётган умрни ҳам ортга қайтариб бўлмайди. Деҳқон ҳам эрта баҳорда ерга уруғ қадамаса, мўл ҳосилдан умид қилмаса ҳам бўлади.

Чунки нимани экса, шуни ўради-да. Шундай экан, ҳар биримиз келажакда юртнинг асл фарзанди деган эътирофга муносиб бўлиш учун, бугундан илм пойдеворини мустаҳкамлаб боришимиз керак. Бизнинг бахтимиз шундаки, барча кашфиётлар яратилиб, амалиётга татбиқ этилаётган, имкониятлар эшиги ланг очилган бир пайтда дунёга келдик. Ахир мана шу кунларни кўриш учун қанчадан-қанча маърифатпарвар инсонлар ўз жонларини фидо қилган. Шундай экан, биз ёшлардан умид қилинадигани кучли билим ва муносиб тарбия олишимиздир. Тўғри, илм олишни игна билан қудуқ қазишга менгзашади. Болалигимизда отажоним: «Қизим, меҳнат инсонни юзага чиқаради. Шунинг учун меҳнат қилган одам асло кам бўлмайди. Кўз қўрқоқ, қўл ботир. Қанча меҳнат қилсангиз, шундан ҳам ортиқроқ меҳнатингизнинг роҳатини кўрасиз», дея насиҳат қиларди. Уларнинг сўзларида айни ҳақиқат мужассам эканлигини бугун яхши англаб турибман.

Бир пайтлар мен ҳам талаба бўлармиканман, дея орзуланиб юрардим. Мана холис ният қилган эканман, Аллоҳ ниятимга етказди. Журналистика соҳасини севганим, ҳаётимни усиз айро тасаввур қила олмаганим учун ҳам бугун талаба деган бахтга муяссар бўлдим.Сир эмас ҳаммамизнинг қалбимизда буюк орзуларимиз бор. Шундай экан, буюк мақсадлар сари интилишдан, изланишдан чарчамайлик.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, биз кучли, билимли, ақлли, энг асосийси эса бахтли бўлишимиз шарт! Ана шундагина елкамиздаги масъулиятни оқлай оламиз. Аслида талабалик бу нафақат олтин дамлар, балки бошимизга қўнган бахт қуши ҳамдир. Уни учириб юбормайлик, азиз талабалар!

Назира БОЙМУРОДОВА.

ЎЗБЕКИСТОН

Киндик қоним тўкилган Ватан,
Остонаси тилло она юрт,
Атай-чечай қадамим унган,
Тупроқлари бахмалдек барқут,
Ўзбекистон эрур диёрим.

Жаннат нури тўшалган гўша,
Саодатманд халқи бахтиёр.
Саҳрою қир, тоғлари оша,
Ҳар қаричи беҳиштга тимсол,
Ўзбекистон – бахтим-баҳорим.

Сенга олқиш, сенга шараф-шон,
Сенга минг бор айтгум тасанно.
Қучоғингни севар ҳар бир жон.
Бахтингга тан бергуси дунё,
Ўзбекистон – сен ифтихорим.

Диларуз ТИЛЛАБОЕВА.
8-синф ўқувчиси.

ҒОЛИБЛАР ТОШКЕНТДА КУЧ СИНАШАДИ

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорлиларини аниқлаш ва рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан иқтидорли ёшларни рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти бундай эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Кўрик-танловнинг Наманган вилояти босқичида 60 нафар иқтидорли қиз адабиёт, санъат, маданият, илм-фан ва таълим соҳаларида ўз билим ҳамда маҳоратини намойиш этди.

Тўрақўрғон туманидаги “Ширинлик” маданият саройида кўрик-танлов иштирокчиларининг Ватанга муҳаббат, жонажон ўлкамиз гўзаллиги, миллий урф-одат ва анъаналаримизни акс эттирган ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди. Ёшларимиз замонавий илм-фан ва маданият ютуқларини ўзлаштириш билан бир қаторда миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмат ҳамда эҳтиромининг яққол ифодасидир.


Мингбулоқ туманидан модельер-дизайнер Дилобар Раҳимованинг ишлари, Наманган санъат коллежи ўқувчиси Дурдона Усмонованинг рақсга тушиш маҳорати, учқўрғонлик Ирода Миррахимованинг шеърлари ҳайъат аъзоларида катта қизиқиш уйғотди. Танлов қизлар амалий санъат, адабиёт билан жиддий шуғулланишдан ташқари илмий ишланишлар ҳам олиб бораётганини кўрсатди. Мутахассислар маданият, илм-фан ва таълим номинацияларида бўйича иштирок этган Наманган давлат университети талабаси Феруза Арабова, ушбу университет ҳузуридаги 1-академик лицей ўқувчиси Нилуфар Расулова, Янгиқўрғон лицейи ўқувчиси Зулайхо Маърупованинг лойиҳа ишланмаларини юқори баҳолади.

Ҳайъат аъзолари энг иқтидорли қизлар – кўрик-танловнинг вилоят босқичи ғолибларини аниқлади. Улар танловнинг якуний – республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова ва вилоят ҳокими И.Нажмиддинов иштирок этди.

И.РАЗЗОҚОВ,
ЎзА мухбири.

ХАФТА ГЎЗАЛИ



ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Ҳар бир қиз ҳуснў латофат, ибо-ҳаё ва назокат каби фазилатлар билан сийланади. Саҳифамиз меҳмони бўлган Тошкент юридик коллежи талабаси Роҳила Мирзаева ҳам мана шундай фазилатлар эгаси. У оғир-босиқ, камгап қизлар сирасига киради. Роҳиланинг тенгдошларидан ажралиб турадиган жиҳати, ўз устида мунтазам шуғулланишни канда қилмайди. Коллежда у намунали хулқи ва аъло баҳоларга ўқиши билан устозлари эътиборига тушган. Роҳила бўш вақтларида ўзи ўрганаётган соҳага оид китобларни ўқишни яхши кўради. Орзуси – етук ҳуқуқшунос бўлиб, устозларининг ишончини оқлаш.

Қиз бола оппоқ қандга ўхшайди. Қандга зинҳор губор текса, уни асл ҳолига қайтариб бўлмагандек, қиз боланинг шаънига айтилган ножоиз гап ҳам унинг ҳаётини остин-устун қилиб юбориши мумкин. Шунинг учун оилада қиз ўстираётган ота-оналар ҳар доим уларни кўз қароқларида асрайди, осмонга қўйсам чанг, ерга қўйсам гард юқади, деб авайлашади, юриш-туришларини доимо назорат қилиб туришади. Қизим, сен уларнинг тергашларидан хафа бўлма, мен ёш бола эмасманку, деб жаҳл ҳам қилма. Чунки сен балоғат ёшига етган бўлсанг-да, ҳали ҳам ота-онанг учун ёш боласан. Улар сени то ўзга хонадонга топширмагунча, ҳаловат топмайдилар. Шундай экан, ота-онангнинг мана шу ишончини оқлашга ҳаракат қилгин. Улар ёру биродарлари олдида сен туфайли бошларини эгиб эмас аксинча, қадларини мағрур тутиб юришсин.

ЁШЛАР – ЮРТ ТАЯНЧИ

Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз Конституциясининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ёшларга ғамхўрлик давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини яна бир бор тасдиқлади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати йигит-қизларимизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашида, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда, ақл-заковати ва куч-ғайратини тўла намоён этишида яқиндан кўмаклашмоқда.

Жиззах вилоятида ҳам бу борада турли йўналишларда иш олиб борилмоқда. Ёшлар ижтимоий хизмат марказлари томонидан шу йилнинг ўзида 3 мингга яқин йигит-қиз иш билан таъминланди, 1 минг 600 нафардан зиёд ёшга касб ўргатиш ишларида молиявий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди, 80 нафар талаба таълим кредити билан таъминланди.

Ёшларни оммавий спортга жалб этиш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароит яратишда ҳаракатнинг шаҳар ва туман бўлимлари ҳокимликлар, таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилмоқда. «Камолот»чиларнинг бевосита иштирокида ҳозиргача 104 спорт иншооти барпо этилди. Вилоятда кейинги йилларда етишиб чиққан 12 жаҳон, 19 Осиё, 110 нафар мамлакат чемпионларининг барчаси ҳаракатимиз аъзоси эканидан фахрланамиз.

Ёшларнинг Ватанимиз тарихи, буюк аждодларимиз мероси тўғрисидаги билимларини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб этиш, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшлар ўртасида ОИТС касаллиги ва гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш йўналишларида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Анвар ТЕМИРОВ,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах вилоят бўлими кенгаши раиси.
ЎзА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН
Вы можете оказаться объектом повышенного внимания. Не позволяйте робости и излишней скромности помешать вам извлечь из этого всю возможную выгоду. Семья может ожидать от вас очень многого: не принимайте все близко к сердцу.

ТЕЛЕЦ
Возможно знакомство с интересными людьми. Жизнь приоткроет перед вами новые перспективы в работе. В разговорах с друзьями не стоит слишком давить на них. Решая финансовые вопросы, не стоит полностью опираться на интуицию.

БЛИЗНЕЦЫ
Эта неделя принесет всплеск активности в сфере профессиональной деятельности и творческих исканий. Несмотря на возможные трудности, не упускайте инициативу. Вам может достаться сложная работа, а начальство будет до неприличия часто менять свою точку зрения.

РАК
Прекрасная неделя для интеллектуального труда, командировок и путешествий. Лучше воздержаться от активной деятельности. Постарайтесь быть избирательнее в контактах. Выходные проведите с семьей.

ЛЕВ
Успех обязательно придет, но вам необходимо приложить некоторые усилия. Будьте осторожнее — вы можете легко поддаться бредовым идеям и попасть в авантюрную историю. Постарайтесь максимально использовать открывающиеся возможности.

ДЕВА
Вы будете как никогда легки на подъем. Остерегайтесь чужих советов: не исключено, что их будут давать скрытые недоброжелатели. Вы будете приятным собеседником, так что не чурайтесь компании.

ВЕСЫ
На этой неделе постарайтесь смотреть на мир философски. Вас может тревожить внутреннее напряжение. Если есть возможность побывать на природе, постарайтесь использовать ее. Избегайте ненужных и неприятных встреч.

СКОРПИОН
Вам придется бороться за укрепление авторитета. Постарайтесь избежать контактов с деловыми партнерами. Старайтесь не вступать в конфликты, тем более с близкими и дорогими вам людьми.

СТРЕЛЕЦ
На работе могут возникнуть непредвиденные проблемы. Будьте осторожнее в поездках и любых передвижениях по городу. Неожиданные гости принесут хлопоты, но при этом доставят немало удовольствия.

КОЗЕРОГ
Неделя достаточно спокойная, поэтому лучше посвятить ее отдыху, не усложняя ситуацию. Не стоит менять свой привычный образ жизни. Если понадобится помощь друзей, примите ее. Желательно навести порядок в документах.

ВОДОЛЕЙ
Возможно, вам предстоит сделать некий выбор. Некоторые события подтолкнут к изменению тактики, и сдерживание эмоций станет лучшей политикой. Сдерживайте желание вмешиваться в чужие дела со своими советами.

РЫБЫ
На этой неделе желательно посвятить достаточно времени установлению новых знакомств и отношений с влиятельными людьми. Вы будете объектом повышенного внимания. Стоит сконцентрироваться на главном, отбросив все второстепенное.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

«САҲНАГА САДОҚАТ ЗАРУР»



Санъаткор бўлиш орзуси... Дастлаб у кўкдаги юлдузлардек олисларга чорлайди. Уззукун унга етмоқ ҳақида ўйлайди, одам. Баъзида бу йўлда машаққатлар чекишга тўғри келади. Айримлар ана шу машаққатлар заҳматидан қўрқиб, чекинадилар-у, сўнг яна ҳаракат қилиб асосий йўлга чиққунларича умр ўтиб кетади. Бу йўлда истак ва хоҳишнинг ўзи етарли бўлмайди. Қайноқ шижоат, ғайрат ва истеъдоднинг-да, ўрни бор. Бугунги саҳифамиз меҳмони Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхоновани ҳам ҳақли равишда ғайрат ва шижоат билан санъат йўлига кириб келган истеъдодли актриса ва моҳир қўшиқлар ижрочиси, дейишимиз мумкин.

Экранда ярқ этиб кўзга ташланиш ҳам санъаткор учун бахт. Зеро, санъаткор бўлиш, халқ назарига тушиб, кўпчиликнинг дуосини олиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Қайси санъаткорнинг ҳаёт йўлига назар ташламайлик, болалигидаёқ бирон-бир сўзни чертиб ёки бўлмаса мактаб саҳналарида роллар ижро этиб юргани, тўгаракларга қатнашгани, кейинчалик эса санъаткор бўлиб ном чиқарганига гувоҳ бўламиз. Балки бу яратганнинг инъоми, туҳфасидир. Чунки инсоннинг ким ва қайси касб эгаси бўлиши қандайдир маънода унинг толеномаси билан боғлиқ бўлар экан.

– Ёшлигимдан қўшиқ куйлашга қизиқардим, – дейди Зулайҳо Бойхонова. – Ўзим ўқиётган ўрта мактабдаги мусиқа ва драма тўгаракларига ҳам мунтазам қатнашардим. Менда мумтоз қўшиқларни куйлашга иштиёқ кучли эди. Шу боис халқона тилда айтиладиган қўшиқларни берилиб куйлардим. Мактабда ўтказиладиган ҳар бир тадбирда, спектакларда роль ўйнаб ёки бўлмаса, қўшиқ айтиб чиқардим. 10-синфда ўқиётганимда домламиз Долимжон ака Абдуллаев мени мактаб ёш ижрочилик ўртасида ўтказилаётган санъат байрамига олиб борди. Омадни қарангки, танловда 1-ўринни эгалладим. Кейин эса Тошкентга келиб финал босқичида қатнашдим ва ғолибликни қўлга киритдим. Ўша пайтдаги ҳолатимни эсласам, ҳали ҳам ҳаяжонга тушаман. Чунки илк муваффақият барибир юрагингизда муҳрланиб қолар экан-да. Ўшанда танлов тугаганидан кейин Муҳаммаджон Усмонов деган киши менинг олдимга келди-да: «Мактабни тамомлаб, албатта Тошкентга ўқишга кел», деб санъат институтига таклиф қилди. Мактабни битирганимдан кейин уйдагилар, тиббиёт институтида ўқийсан, дейишди. Шу боис ота-онамнинг раъйига қарши бормай, бир йил тиббиёт институтида ўқидим. Лекин барибир юрагинг амрига қулоқ солмай иложинг йўқ экан. Институтда ўқийман-у, дилимда Тошкентга ўқишга бориш истаги ҳали ҳамон мени ўзига чорларди. Охири барибир Тошкентга отландим. Театр ва рассомчилик институтига келиб, барча имтиҳонлардан ўтдим, мусиқа ва драма факультети талабасига айландим. Бу даргоҳда сабоқ олар эканман, мен қўшиқ деб айтаётганларим ҳали ҳеч нима эмас экан, деган фикрга келдим. Ўқиш жараёнида қўшиқ айтиш сир-синоатини устозимиз Асад Азимовдан, актёрлик маҳоратини Мамажон Раҳмоновдан ўргандим. Институтни тамомлаб, йўлланма билан Қарши шаҳридаги вилоят мусиқали театрига бордим. Лекин у ерда кўп ишламадим. Чунки олти ойдан кейин Тошкентга чақириб қолишди. Мени Муқимий театрига ишга таклиф қилишган эди. Хуллас, 1987 йилдан бошлаб, Муқимий театри саҳнасидаман. Театрда биринчи яратган образим «Ўжарлар» спектаклидаги Озода роли бўлди...

Шу тахлит Зулайҳо Бойхонова бу ерда устозлари режиссёр Рустам Бобохонов ва дирижёр Наби Халиловдан қўшиқ айтиш ва саҳна сирларини ўргана бошлади. Улар билан бир саҳнада елкама-елка ижод қилди. Комил Яшиннинг «Нурхон» спектаклида Нурхон, «Юсуф ва Зулайҳо»да Зулайҳо, «Фарҳод ва Ширин»да Ширин, «Гул ва Наврўз»да Гул, «Нодирабегим»да Нодира, «Алпомиш»да Барчин, «Тақдир»да Оймомо, «Фотима ва Зуҳра» да Зуҳра, «Машраб»да Офоқой, «Қудуқ тагидаги фарёд»да Тошбуви, «Аршин мол олон»да Гулчеҳра, «Оловли Прометей»да Ио, «Рожа»да Шурангома ва Шударшана каби роллари билан кўпчилик томошабинлар эътиборига тушди.

У ўзига ишониб топширилган ролларнинг самимий ва ҳаққоний чиқиши учун ҳаракат қилади. Шу боисдан ҳам актриса ижро этаётган образлар хоҳ салбий, хоҳ ижобий бўлсин, томошабинлар томонидан илиқ қарши олинади. Бу эса жуда катта маҳоратдан далолат. Чунки ҳар қандай мураккаб образлар юкини кўтара олиш, актёр учун кўзланган муддаога етишиш демакдир. Зеро, режиссёр олдига қўйган мақсад ҳам актёр ижросида ўз инъкосини топади. Аслида санъаткорнинг омади ҳам шундай изланишлар билан белгиланишига шак-шубҳа йўқ.

– Муқимий театрида фаолият олиб бораётганимга ҳам йигирма йил бўлди. Театримиз режиссёрларининг ўгитлари, санъатнинг сирли олами ҳақидаги сабоқлари туфайли саҳнада ўйнаган ролларим мени халққа танитди, десам янглишмайман. Улардан кўп нарса ўргандим. Улар санъатнинг ўз қонун-қоидалари, нозик жиҳатларини ўргатишди. Яна муқаддас саҳнамизга табаррук излари теккан буюк санъат арбоблари Лутфихоним Саримсоқова, Шаҳодат Раҳимова, Раззоқ Ҳамроев, Соиб Хўжаев, Эътибор Жалилова, Сурат Пўлатов, Турсуной Жаъфарова ва Маҳмуд Ғофуровларнинг театрда қолдирган анъаналари менга қанот бўлди.

Саҳна фидойиликни, меҳр қўйиб ишлашни талаб этади. Баъзан шахсий ҳаётнинг, оила-ю, фарзандларингдан ҳам санъатни устун қўйишга тўғри келади. Шунинг учун санъатни умрим мазмуни, қисматим дейман...

Зулайҳо Бойхонованинг саҳнада яратган ҳар бир образи тўлақонли ижро этилиши билан ажралиб туради. Айниқса у Ўлмас Умарбеков қаламига мансуб «Фотима ва Зуҳра» спектаклида бошига тушган мусибатларни матонат билан енгган темир иродали Зуҳра ролини, унинг оиласи фожеасидан кейинги руҳий кечинмаларини шу қадар моҳирона очиб берганки, томошабин театр залидан қандай тарзда спектакль воқеалари ичига «ўтиб кетганини» сезмай ҳам қолади. – Актёр образ яратаётганида ҳар бир қилинган хатти-ҳаракат, ҳар бир руҳий кечинма, драматик ҳолат реал бўлиши, томошабинда шубҳа уйғотмаслигига катта эътибор бериши керак, – дейди актриса. – Шу боис мен энг биринчи навбатда асар қаҳрамонининг кечинмаларини хаёлан ҳис қилиб кўраман. Балки шунинг учун ҳам образларни саҳнага олиб чиқишда табиийлик пайдо бўлар...

Актриса қўшиқчилик борасида ҳам сезиларли ижод қилиб келмоқда. Айниқса унинг ижросидаги «Гар соғинсам», «Бойлардилар», «Ювворамиз», «Эй кўнгил», «Ҳай-ҳай», «Тинчлик саломатлик керак», «Ўзга ёр йўқдир», «Эй дўст» каби ўнлаб мумтоз қўшиқлари томошабинлар томонидан зўр олқишлар билан кутиб олинади. Республика миқёсида ўтказиладиган турли оммавий тадбирларда, Мустақиллик, Наврўз умумхалқ байрамлари тантаналари ва Шарқ тароналари халқаро қўшиқ фестивалида мунтазам қатнашиб келаётган Зулайҳо Бойхонова ҳамиша эл хизматида.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхонова устоз кўрган санъаткор. Шунинг учун бўлса керак у яратган образлар ва ижро этган қўшиқлар томошабинни бефарқ қолдирмайди, балки ҳар сафар янгича ва ўзгача таассурот уйғотади. Санъаткор бугун ҳам изланишда. У бир қатор спектаклларда роллар ижро этаяпти.

– Санъаткор сифатида ўз ўрнингга эга бўлиш учун энг муҳими, саҳнага садоқат, меҳр-муҳаббат зарур, шон-шуҳрат кетидан қувмаслик, шошилмаслик керак, – дейди Зулайҳо Бойхонова. – Халқда «нимани эксанг, шуни ўрасан» деган ҳикматли гап бор. Саҳнани, севсанг, ардоқласанг, бир кунмас, бир кун у ҳам сени азизу мукаррам қилади. Агар хиёнат қилсанг, у сени ҳеч қачон кечирмайди.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА









Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 16 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни тантанали нишонлаш дастурига мувофиқ Қуролли Кучлар Марказий музейи кўргазмалар залида 2008 йил 14 январь арафасида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли Кучлар фахрийлари иштирокида анъанавий VIII Умумармия бадиий кўргазмаси очилади ва ўтказилади.

Бадиий ижодиёт кўргазмасида қатнашиш учун тасвирий санъат асарлари (мавзули ва жанрга оид), портретлар, манзаралар, натюрмортлар, расмлар, графика, халқ амалий буюмлари, сополдан ясалган буюмлар (керамика), ёғоч, ганч, металл нақш ўймакорлиги, тўқимачилик, бадиий каштачилик, заргарлик ва зардўзлик буюмлари тақдим этилиши мумкин.

Кўргазма ғолиблари ва совриндорларига:

1-ўрин – 50 минг сўм,

2-ўрин (иккита) – 30 минг сўмдан,

3-ўрин (иккита) – 20 минг сўмдан пул мукофотлари ва дипломлар топширилади.

КОМАНДИРЛАР, УЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРЛАРИ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШИ РАИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ишлар муаллифлар ҳақидаги маълумотлар билан биргаликда 2008 йилнинг 4 январигача Қуролли Кучлар Марказий музейига юборилиши лозим.

ЁЗУВЧИ, ЗАМОН ВА БАДИИЯТ

(«Наршах қалъаси» тарихий романини ўқиб)

Бошқаларни билмадиму, аммо менда шундай бўлиб туради – бирон-та жиддийроқ нарсани ўқисам, анча пайтгача ўша асар таъсирида юраман. Уч ойдан буён «Ватанпарвар»да бериб борилаётган «Наршах қалъаси» романи мутолааси таъсирида менда шундай ўй-кечинмалар, руҳий ва ақлий эврилишлар юз берди. Бир нарсани айтиб қўяй: Ғулом Карим – менинг дўстим. Агар бу иқроримдан сўнг мени асарни мақтамоқчи деб ўйласангиз янглишасиз. Мақсадим – оддий бир ўқувчи сифатида фикрларим билан ўртоқлашиш, холос. Қолаверса, асарни мақташ учун ҳам мутахассис бўлиш керак. Мен эса адабиётшунос эмасман. Ўйлашимча асар ва унинг муаллифи менинг мақтовимга муҳтож ҳам эмас.

Таниқли ёзувчи Улуғбек Ҳамдам суҳбатларининг бирида «ёзувчи энг аввало даврнинг томир уришини билиши, шу томирга қўлини қўйиб туриши лозим» деган эди. Шу маънода севимли газетамиз саҳифаларида қарийб уч ой давомида мириқиб мутолаа қилганимиз «Наршах қалъаси» романининг муаллифи Ғулом Карим ўзи сўз юритаётган давр – халқимиз ҳаётида жиддий эврилишлар замони бўлган ўша олис мозийнинг ижтимоий томирига қўлини қўйиб турган ижодкор ҳисобланади. Асарни мутолаа қилар экансиз, ўша олис ўтмиш воқеалари кўз олдингизда жонлангандек бўлади гўё. Бунда муаллифнинг нафақат ёзувчи, балки зукко шарқшунос ва тарихнавис эканлиги ҳам катта роль ўйнаган. «Наршах қалъаси» ёзувчининг дастлабки романи ҳисобланади. Роман саккизинчи юз йилликда Мовароуннаҳр халқларининг араб босқинчиларига қарши Муқанна бошчилигида олиб борган курашига, тарихга «оқ кийимлилар» номи билан кирган ҳаракат фаолиятига бағишланган. Ёзувчи бунгача бир қатор тарихий мавзудаги қисса ва ҳикоялари билан ўқувчилар меҳрини қозониб улгурган эди. Бир сафар мен Ғулом акадан нега фақат тарихий мавзуларда асарлар ёзасиз, деб сўраганимда, ёзувчи аввало тарихий мавзулар менга яқин, қолаверса, ўтмишни билмасдан бугунги ҳаётни англаб бўлмайди, деган эди.

Ғулом Каримда адабий жараёнга нисбатан ўзига хос ёндашув мавжуд. Эллигинчи йиллар авлодига қараганда, – дейди ёзувчи, – олтмишинчи йиллар авлодига мансуб ижодкорлар орасида романнавислар кўпроқ. Масалан, Эркин Аъзамлар роман ёзишмаган. Айниқса, кейинги ўн йил ичида романлар кўпайиб қолди. Уларнинг сони ҳикоялардан ҳам кўп бўлса керак. Менимча йигирма биринчи аср ўзбек романчилиги асри бўлади. Бадиий асарлар, – дея сўзини давом эттиради ижодкор, – ракурс тарзида ёзилади – ҳеч қандай изоҳларсиз биргина тасвир ҳам ўқувчига кўп нарсани бериши мумкин. Масалан, тасвирий асарда биргина манзара ифодаланган бўлади. Аммо диди ва дарди баланд томошабин ундан бир олам роҳат-фароғат, фалсафий ва эстетик завқ олиши мумкин!



Романни ёзиш жараёнида воқеалар кечаётган замон ва маконда аждодларимиз томонидан кенг истеъфода этилган сўз ҳамда тушунчалардан ўз ўрнида маҳорат билан фойдаланиш баробарида, муаллифнинг нафақат халқимизнинг олис ўтмиш тарихини яхши билишини, балки атроф-табиатни яхши кўришини, уни синчковлик билан кузатганлигини сезасиз. Шу маънода асар мувффақиятини таъминлаган омиллардан бири шуки, ёзувчи ўқувчи тасаввурини кенгайтиришга ва қизиқишларини жонлантиришга хизмат қилувчи ажойиб тасвир-манзаралар ярата олган. Масалан, мана бу бадиий тасвирга эътибор беринг: «Саҳро осмонининг бир чеккасида тўлин ой тун салқинидан жунжиккандек оқ ўтов тикиб олган. Унда-бунда қорайган саксовуллар титроқ ой шуъласида қорайиб кўринади. Чўл шамоли қумтепаларни ялаб увиллайди». Албатта, бундай сатрларни ўқиган китобхонда ҳиссиётлари ҳам жонлангандек бўлади. Ёзувчи асарда аждодларимиз томонидан ўзаро сўзлашувда кенг истефода этилган, бироқ бугунги кунда унутилиб кетган «ой тўлин бўлса, илигин имламас», «кўк кирсин, қизил чиқсин» ёки «тил билан боғланган, тиш билан ечилмас» каби кўплаб мақоллардан ўз ўрнида фойдаланиши натижасида романнинг бадиий-маърифий қиммати янада ошган.

Ўқувчи мутолаа жараёнида олис ўтмишда ҳам юрт озодлиги ва тинчлиги ғоялари жамият интилган муҳим ижтимоий қадриятлар бўлганлигини билиб олади. Уларга эришиш ва барқарорликни таъминлаш учун эса доимо огоҳ бўлиш кераклигини англаб етади. Бухорхудотнинг қарлуқлар хоқонининг элчисига қарата айтган қуйидаги гапи буни тасдиқлайди: «Бирлик бўлмагани учунгина Қутайба Туронни мағлуб эта олди. Турон бирлашса, уни маҳв эта оладиган куч дунёда йўқ». Ёки, ёзувчи элчи Бунёт тилидан шундай дейди: «Буюк Турк хоқонлиги парчаланиб кетгач, туркий қабилаларнинг деярли ҳар бири ўз бошича бир хонлик тиклаб олди. Оқибатда туркнинг боши низолару кулфатлардан чиқмаяпти. Араблар эса ягона давлатга бирлашган. Мана, уларнинг куч-қудрат манбаи қаерда!» Бу фикрлар орадан ўн икки аср ўтган бўлса-да, биз яшаётган бугунги дунё фалсафасига ўхшамаяптими?!

Биз роман мутолаасидан арабларгача бўлган даврда ўлкамизда турли динларга эътиқод қилувчи кишилар ўзаро иноқликда яшашганини, яъни ҳозирги тушунча билан айтганда, диний бағрикенглик мавжуд бўлганлигини билиб оламиз. Натижада илк яккахудолик дини – зардуштийликни яратган аждодларимиз, ҳозирги даврда жаҳон динлари мақомини олган диний таълимотлар – буддавийлик ва христианликни, кейинчалик эса, исломни маълум бир такомил босқичига олиб чиқишди. Кейинги ўн йилликларда юртимизда ва бир қатор хорижий давлатларда олиб борилган археологик тадқиқотлар буни исботлаб берди.

Маълумки, араблар дастлаб Мовароуннаҳрнинг дарвозаси вазифасини ўтаган ҳамда ҳар томонлама муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Пайканд шаҳрини босиб олишади. Романда мазкур воқеанинг бадиий тасвири тарихий ҳақиқатни бузмаган ҳолда ишонарли ва таъсирчан қилиб берилганки, бу ҳолат ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Шу сатрларни ёзаяпману йигирма йил аввал бўлган бир воқеа эсимга тушди. Ўшанда шаҳар ҳарбаларини томоша қилиш учун дўстим Қаҳрамон Ражабов билан Бухорога борган эдик. Биз яйдоқ тепаликларга айланиб қолган харобалар устида анча вақтгача сайр этиб, шаҳар тарихи ҳақида суҳбатлашдик. Шунда Қаҳрамон ака энг баланд тепаликдаги харсангга бир оёғини қўйганча, биз тарих устида

туribмиз, деган эди. Бизнинг «тарих устида тури...»шимиз бесамар кетмади – йиллар ўтиб Қаҳрамон Ражабов тарих фанлари доктори бўлди. Ҳозир у мамлакатимизнинг етакчи тарихчи олимларидан бири...

Ғулом аканинг болалиги ҳам шу тепаликлар атрофида ўтди – унинг қишлоғи Пайканд харобаларидан кўриниб туради. Балки ёзувчининг тарихий мавзуларга бўлган қизиқишини ўша олис болалик даврларидан, ўша беғубор ўй-кечинмалардан излаш керакдир.

Шу йилнинг апрель ойида Ғулом Карим ўзига тенгдош бўлган бир гуруҳ ёзувчи ва шоирлар билан биргаликда билим юртимизга ташриф буюрди. Ташриф доирасида билим юртимиз ҳарбий хизматчилари билан адабий кеча ўтказилди. Учрашув узоқ давом этиб, кўтаринки кайфиятда ўтди. Шунда курсантлардан кимдир нега ёзувчи, шоирлар ҳарбий мавзуда асарлар ёзишмаяпти, деган мазмунда савол берди. Ёзувчининг жавоби эса шундай бўлди: «Ҳарбий мавзуда умуман асарлар ёзилмаяпти, деб бўлмайди. Гапимнинг исботи сифатида кўплаб асарларни санаб ўтишим мумкин. Масалан, Шуҳратнинг биргина «Шинелли йиллар» романи ўзининг бадиий ва ижтимоий қиммати жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган асар ҳисобланади. Қолаверса, ҳарбий мавзудаги асарларни ёзиш, ҳарбийча либос кийган иқтидорли сафдошларингизнинг зиммасидаги муқаддас вазифа саналади. Чунки ҳарбий ҳаёт муаммоларини, ҳарбийларнинг ўй-кечинмаларини улар биздан кўра ҳам яхшироқ билишади». «Наршах қалъаси» романини ўша мантиқий саволга берилган амалий жавоб, деб қабул қилсак бўлади. Шу учрашувда Ғулом ака Шуҳратнинг 90 йиллик юбилейини 2008 йилда билим юртимизда нишонлаш ташаббусини илгари сурган эди. Ва уни ташкил этиш бизнинг галдаги вазифаларимиз сирасига киради.

Идеал туйғулар камёб, – дейди Ғулом ака, – ёзувчининг вазифаси шундай туйғуларни излаш ва топишдан иборат. Қолаверса, ҳақиқий роман замон ва маконда эскирмайди.

Биз эса бугунги миллий адабиётимизнинг катта вакили бўлган Ғулом Каримга ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.

Подполковник
Чори НАСРИДДИНОВ.

Марказий офицерлар саройида

САНЪАТГА БАХШИДА УМР

Орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг ҳар бир айтган сўзлари бизлар учун сабоқ, босиб ўтган ҳаёт йўли эса ибрат ва намуна... Юзидан нур ёғилувчи устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, иккинчи жаҳон уруши фахрийси Коммуна Исмоилова айнан шундай ватандошларимиздан.

1927 йилнинг 15 декабрь куни Хоразм вилоятида таваллуд топган онахон ўн тўрт ёшида Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги хотин-қизлар концерт бригадаси таркибида иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида ўз санъати билан ватандошларимизни қўллаб-қувватлади. Кейинчалик, Хоразм мусиқали драма театрида, Ўзбек ашула ва рақс ансамблида, Ўзбек давлат филармонияси, Ўзбекистон телевидение ва радиоси ўзбек халқ чолғулари оркестри ҳамда мақом ансамблида яккахон хонанда сифатида фаолият кўрсатган. Шунингдек, Зебо Ғаниева номидаги фахрий аёллар ансамбли қатнашчиси ва Қуролли Кучлар Марказий музейи қошидаги фахрийлар кенгашининг фаол аъзосидир. Таъкидлаш жоизки, унинг репертуаридан нафақат халқимиз, балки рус, украин, туркман, қозоқ халқларининг қўшиқлари ҳам ўрин олган.



«Жасорат» медали ва кўплаб давлат мукофотлари соҳибаси бўлмиш Коммуна ая санъат сир-асрорларини келгуси авлодга етказиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва вояга етказишдек муҳим вазифага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айни пайтда Тошкент маданият коллежи ҳамда Глиер номли мусиқали мактабда таҳсил олаётган ёшлар устоз санъаткордан сабоқ олмоқдалар.

Яқинда саксон ёшни қарши олган, кўринишидан ҳамон тетик ва сергайрат онахон ўзининг навбатдаги ёш тўйини нишонлади. Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган тадбир Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтди.

Элимиз ардоғидаги санъаткорлар, вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, театр жамоалари, оммавий ахборот воситалари, мусиқа билим юртлари вакиллари иштирок этган тантанали тадбирда самимий тилак ва табриклар, куй ва қўшиқларга уланиб кетди. Ишончим комилки, Ўзбекистон халқ артистлари Ортиқ Отажонов ва Олмахон Ҳайитова, Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуд Йўлдошев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист майор Шуҳрат Дадажонов, Феруза Жуманиёзова, Тожибар Азизова ва бошқа кўплаб хонандаларнинг хонишлари муҳташам саройни тўлдириб ўтирган муддатли ҳарбий хизмат оддий аскарлари, курсантлар ҳамда ҳарбий лицей тарбияланувчилари, юрт посбонларининг оила аъзолари, қолаверса, Коммуна опанинг ижодига бефарқ бўлмаган мухлисларга жуда манзур бўлди.

– Якшанба кунлари оила аъзоларим билан ушбу саройга келишимиз одатий ҳолга айланган, – дейди офицер Зокир Музаффаров. – Бугунги тадбир бир умрга ёдимдан кўтарилмаслиги аниқ. Чунки, устоз санъаткорларнинг жонли ижроси, Халқ артистимиз Коммуна Исмоилованинг бевосита суҳбати ва умуман, даврада ҳукм сурган самимиятни унутиб бўлмайди.

Тадбир сўнггида Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат маркази – Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройи бошлиғи майор Дилявер Аблаев кўп йиллардан бери ҳарбий санъаткорлар билан ҳамкорлик қилиб келаётган, юрт посбонларини ўзининг қадрдони деб билувчи К.Исмоиловага эсдалик совғаларини топширди.

Катта лейтенант
Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.
Аббос УЛУҒХЎЖАЕВ суратга олган.

Бош муҳаррир ўринбосари майор А. САФАРОВ.

Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, майор А. КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 04 90; масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76. Факс – 153 17 98.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **В. Кузнецов** ва **Р. Ислакаев** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Н. Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-4454. **Адади** 22850.